

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 330.366

338(575.1)

ШАДМАНОВ ЭРКИН ШЕРКУЛОВИЧ

**МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНИДА
ИҚТИСОДИЁТНИ МУВОЗАНАТЛИ ВА МУТАНОСИБЛИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

08.00.01 – «Иқтисодий назария»

Иқтисод фанлари доктори
илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2011

Диссертация иши Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Илмий маслаҳатчи: иқтисод фанлари доктори, профессор
Ҳамроев Одил Ҳамзаевич

Расмий оппонентлар: иқтисод фанлари доктори, профессор
Абулқосимов Ҳасан Пирназарович

иқтисод фанлари доктори, профессор
Ваҳабов Абдурахим Васиқович

иқтисод фанлари доктори
Усмонов Анвар Саидмахмудович

Етакчи ташкилот: **Ўзбекистон Республикаси Фанлар
Академияси Иқтисодиёт институти**

Ҳимоя Тошкент молия институти ҳузуридаги иқтисод фанлари доктори
илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д.067.60.01
рақамли Бирлашган ихтисослашган кенгашнинг 2011 йил «_____»
соат _____да ўтадиган мажлисида бўлади.

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 60-А уй.

**Диссертация билан Тошкент молия институти кутубхонасида
танишиш мумкин.**

Автореферат 2011 йил «_____» _____да тарқатилди.

**Бирлашган ихтисослашган
кенгаш илмий котиби
география фанлари номзоди, доцент**

Ш.А.Азимов

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини босқичма-босқич шакллантириш вазифаси ҳал этилишида, бир томондан, собиқ иқтисодий тизимдан мерос бўлиб қолган ҳомашё тайёрлашга ихтисослашган ишлаб чиқаришга барҳам бериш ва узилган хўжалик алоқаларини тиклаш, иккинчи томондан эса, иқтисодиётнинг тармоқ, соҳа ҳамда бўлинмалари ўртасидаги иқтисодий мутаносиблик ва мувозанатликни йўлга қўйишни тақозо этилар эди.

Мустақиллик йилларида иқтисодиётда эркинлаштириш, диверсификациялаш ҳамда таркибий ўзгаришлар амалга оширилиши натижасида кўп тармоқли ва тўлақонли миллий иқтисодиёт барпо этилишига эришилди. Фаолият тарзимизга замонавий бозор муносабатлари, яъни талаб ва таклиф ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни ташкил этиш, турли даражадаги рақобат, нарх шаклланишининг бозор механизми, иқтисодий эркинлаштириш, истикболни белгилаш, дастурлаштириш каби муносабатлар кириб келди.

Миллий иқтисодиётда бозор муносабатлари иқтисодий ҳаётнинг реал воқелигига айланиши билан бир қаторда, бозор иқтисодиётига хос бўлган айрим нохуш ҳолатлар, яъни: ривожланишнинг тўлқинсимон ҳолда содир бўлиши, циклик тавсифига эга бўлиши, иқтисодий беқарорлик, «номувозанатлик», «номутаносиблик», «инқироз» каби салбий ҳолатлар ҳам намоён бўла бошлади. Бундан ташқари, жаҳон хўжалигида рўй бераётган интеграцион жараёнлар жадаллашуви, ишлаб чиқаришнинг марказлашуви, байналминаллашуви, экологик, демографик вазиятнинг кескинлашуви миллий иқтисодиётда мувозанатли, мутаносибли ривожланиш масаласига алоҳида эътибор бериш заруратини келтириб чиқарди.

Жаҳон иқтисодиётида содир бўлаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз ҳам объектив иқтисодий қонунлар талабларига риоя этмаслик, уларни қўпол тарзда бузилиши оқибатида юзага келди. Президентимиз И.Каримов таъкидлаганидек, «Бугунги куннинг энг долзарб муаммоси – бу 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий инқирози, унинг таъсири ва салбий оқибатлари, юзага келаётган вазиятдан чиқиш йўллари излашдан иборат»¹.

Глобал инқирознинг олдини олиш ёки унинг салбий таъсирини камайтириш, юмшатиш йўллари аниқлаш учун дастлаб унинг келиб чиқиш сабабларини билиш зарур. Фикримизча, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози келиб чиқишининг муҳим сабабларидан бири - иқтисодиётнинг турли қисмлари, соҳалари, тармоқлари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик ва боғлиқликнинг ниҳоят даражада кучайиши ва улар ўртасидаги мутаносиблик ва нисбатларнинг бузилиши оқибатидир.

Ҳозирда иқтисодчи олимлар, турли даражадаги мутахассис ва раҳбарлар, барча фуқароларни иқтисодий инқирознинг содир бўлиши, ишлаб чиқариш

¹ Каримов И. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. -Т.: Ўзбекистон, 2009. – Б.4.

ҳажмининг кескин пасайиши, ишсизликнинг авж олиши, миллий валютанинг қадрсизланиш сабаблари, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга оид саволлар қизиқтирмоқда. Айниқса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi юз бериб турган, фан ва техника жадал суръатлар билан ривожланаётган, меҳнат тақсимоти чуқурлашаётган ва мураккаблашаётган, иқтисодий жараёнлар глобаллашаётган, иқтисодиётни модернизациялаш, диверсификациялаш, таркибий ўзгартириш давом этаётган мураккаб шароитда иқтисодий мутаносиблик ва мувозанатликни таъминлаш масаласи алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Бозор муносабатлари шаклланаётган миллий иқтисодиётимиз таркибий жиҳатдан мураккаблашиб ва барқарор суръатлар билан ривожланиб бораётганлиги сабабли, мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий сиёсатнинг устувор вазифаси иқтисодиётни модернизациялаш ва таркибий ўзгаришлар амалга оширилаётган шароитда бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, иқтисодиётнинг барқарор ва ўзаро мутаносиб таркибий тузилмасини шакллантириб боришдан иборат. Мамлакатимиз Президенти И.Каримов томонидан «Биз бугун 2010 йил якунларини баҳолар эканмиз, аввало, мамлакатимиз иқтисодиётининг юқори барқарор ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий мутаносиблиги сақланиб қолаётганини қайд этишимиз зарур»², деб таъкидланиши ҳам ушбу масаланинг нақадар долзарблигини кўрсатади.

Ҳозирги даврда миллий иқтисодиётимиз ривожланишининг ўзига хос хусусияти шундаки, у бир томондан, бозор механизмини шакллантириш шароитида баъзи тармоқлар, соҳалар ва бўлинмалар ўртасидаги бузилган нисбатларни, мутаносибликларни тиклашни тақозо этса, иккинчи томондан эса, ишсизлик, инфляция ва бошқа салбий ижтимоий-иқтисодий жараёнларни жиловлаш, ишлаб чиқариш ҳажмининг истеъмол миқдори, таркиби ва сифатига мос келишини, яъни ялпи талаб билан ялпи таклиф мувозанатини таъминлаш заруриятини келтириб чиқарди.

Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида номувозанатликлар чегарасини аниқлаш ва мавжуд мувозанатликни сақлаш катта аҳамиятга эга. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш босқичида мавжуд ишчи кучларини иш билан таъминлаш, миллий валюта харид қобилияти ва барқарорлигини сақлаш, ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланиш, иқтисодий ўсиш суръатларини барқарорлаштириш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш масалаларини янада такомиллаштириш зарурати сезилмоқда. Буни Президентимиз И.Каримовнинг «...шу билан бирга, ҳолисона таҳлил, ислохотларимизнинг мантиқи ва изчиллиги, уларнинг энг замонавий бозор нормаларига мувофиқлигини баҳолаш иқтисодиётни бошқариш тизимини янада чуқурлаштириш, такомиллаштириш ва либераллаштириш бўйича жиддий эҳтиёж мавжудлигини кўрсатмоқда»³, деган сўзлари яна бир бор тасдиқлайди.

² Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. –Т.: Ўзбекистон, 2011. –Б.5.

³ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2010. –Б.48.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, айтиш жоизки, мазкур диссертацион тадқиқотнинг мавзуси бозор муносабатлари шароитида иқтисодий мутаносиблик ва мувозанатликнинг назарий асосларини тадқиқ этиш ҳамда уларни таъминлаш механизмларини янада такомиллаштириш масалаларига қаратилганлиги билан долзарб муаммо ҳисобланади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Иқтисодий мувозанатнинг назарий асослари ва уни таъминлаш муаммоси таниқли ғарб олимлари Ф.Кенэ, А.Смит, Т.Мальтус, Ж.Милль, Ж.Сэй, А.Курно, Г.Госсен, Л.Вальрас, А.Маршалл, В.Парето, Ж.Кейнс, М.Фридмен, П.Самуэльсон, Ж.Гэлбрейт, Л.Эрхард, В.Леонтьев, Р.Харрод, К.Ховард, С.Кузнец, Р.Солоу⁴ ва бошқалар томонидан ўрганилган. Мазкур иқтисодчилар иқтисодий мувозанат масаласини ишлаб чиқарувчи кучлар билан ишлаб чиқариш муносабатлари, ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг тадрижий ривожланиши нуқтаи-назаридан кўриб чиқиб, асосан иқтисодий мувозанатнинг моҳияти, уни таъминлашнинг айрим томонларини таҳлил қилган.

Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида инқирозга қарши чоралар дастурларини амалга ошириш шароитида иқтисодий мувозанатни таъминлашнинг назарий ва амалий масалаларини ўрганишга бўлган қизиқиш кучайди. Россиялик Ю.Тарануха, Д.Земляков, И.Николаева, С.Цветкова, Е.Щетинино, А.Войтов, С.Мочерный, Я.Ядгаров, В.Козырев, Д.Николаев, М.Сажина, Г.Чибриков, Л.Тарасевич⁵ каби иқтисодчи олимларнинг илмий-тадқиқот ишларида иқтисодий мувозанатнинг ички мазмуни, шакллари ва амал қилиш механизмлари ўз аксини топган. Ушбу иқтисодчилар замонавий ишлаб чиқариш, фан-техника тараққиёти шароитида иқтисодий мувозанатнинг мақсади ва ички зиддиятларини аниқлаштиришга ўзларининг салмоқли ҳиссасини кўшди.

Ўзбекистонда иқтисодиётни мувозанатлаштириш ва барқарорлаштириш ғоялари илк бор Президентимиз И.А.Каримов асарларида баён этилган. Мамлакатимизнинг қатор иқтисодчи олимлари иқтисодий мувозанатлик ва мутаносиблик муаммосининг айрим жиҳатларини ўзларининг назарий қарашлари билан бойитдилар. Улар жумласига А.Абдуғаниев, А.Ўлмасов,

⁴ Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. –М.: 1976. –332 с.; Мальтус. Т. Опыт о законе народонаселения. –М.: Эконов, 1993. –486 с.; Милль Ж. Основы политической экономики. Т.П.М., 1980.; Сей Ж. Трактат политической экономии. –М.: Экономика. 1980. –С.217.; Маршалл А. Принципы экономической науки. В 3-х томах. – М.: Издательская группа «Прогресс», 1993; Парето В. Чистая экономия. – Воронеж, 1912.; Кейнс Ж. Избранные произведения. –М.: Экономика, 1993.; Фридман М. Если бы деньги заговорили... /Пер. с. англ. –М.: Дело, 1998. –160 с.; Самуэлсон П., Нордхаус В. Экономика.: Учебник / 18-е изд.: Пер с англ. –М.: ООО “Вильямс”, 2009. –1360 с.; Гелбрейт Ж. Экономические теории и цели общества. – М.: Прогресс, 1976. –406 с.; Леонтьев В. Межотраслевая экономика /Пер. с англ. Автор предисл. и науч. ред. А.Г.Гранберг. –М.: Экономика, 1997. –479 с.; Ховард К. и др. Экономическая теория: Теория свободного рынка. Учебник для вузов. –М.: Банки и биржи. ЮНИТИ, 1998. –278 с.

⁵ Тарануха Ю. Земляков Д. Микроэкономика. Под общей редакцией д.э.н., проф. Сидоровича А.В. –М.: «Дело и Сервис», 1999. –304 с.; Николаева И. Экономическая теория: учебник. –М.: КноРус, 2006. –224 с.; Войтов А. Экономика. –М.: Маркетинг, 2002. –584 с.; Мочерный С., Некрасов В. Экономическая теория. Учебник для вузов. –М. 2000.; Ядгаров Я. История экономических учений: учебник. /4-е изд. перераб. и доп. –М.: ИНФРА-М, 2006. –480 с.; Козырев В. Основы современной экономики. 2-е изд. Учебник для вузов. –М.: Финансы и статистика, 2001. –432 с.; Сажина М., Чибриков Г. Экономическая теория: учебник для вузов. –М.: Норма, 2007. –672 с.; Экономическая теория. Учебник. /Изд. испр. и доп. Под общ. ред. акад. В.Видяпина, А.Добрынина, Г.Журавлевой, Л.Тарасевича. –М.: ИНФРА-М, 2005. –672 с.

Ш.Шодмонов, С.Ғуломов, М.Шарифхўжаев, А.Ваҳобов, Ш.Йўлдошев, Х.Баракаев, А.Усмонов⁶ ва бошқаларни киритиш мумкин.

Илмий адабиётлар тахлили кўрсатишича, ғарб мамлакатлари олимлари томонидан охирги 400-500 йил давомида яратилган ва бизгача етиб келган илмий манбаларда асосан иқтисодий мувозанатни таъминлаш муаммосига эътибор берилиб, мутаносибликни таъминлаш масалаларига етарлича эътибор берилмади.

Бир қатор россиялик М.Б.Мазанова, М.З.Бор, С.С.Шаталин, Т.Г.Бродский, Д.К.Трифанов⁷ каби иқтисодчи олимлар томонидан иқтисодий мутаносибликнинг мазмунини ёритишга ҳаракат қилинган. Улар томонидан ёзилган илмий ишларда иқтисодий мутаносиблик фақат социалистик тизимга хос ҳодиса деб кўрсатилган ва ўша шароитга мослаб унинг мазмуни, шакллари ва амал қилиши хусусиятлари ёритилган, мутаносиблик категориясига тор доирада ёндашилиб, унинг асосий мазмуни фақат ишчи кучи ресурсларини ишлаб чиқариш таркибига мос равишда тақсимлашдан иборат, деб қаралган.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида МДҲ мамлакатларида бу борада амалга оширилган илмий-тадқиқот ишларида ғарб иқтисодчиларига кўр-кўрона тақлид қилиниб, мувозанатликка маълум даражада эътибор берилмоқда, холос. Унинг мазмуни, намоён бўлиш шакллари, амал қилиш механизмлари ёритилган ҳолда, мутаносиблик категориясига бозор иқтисодиёти тизимида тегишли эмас деб қаралиб, унга етарли даражада эътибор берилмасдан келинмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда иқтисодиёт назарияси бўйича яратилган дарсликлар, ўқув қўлланмалар ва илмий ишларнинг аксарият қисмида иқтисодий мутаносибликнинг мазмуни, амал қилиш шарт-шароитлари ҳамда хусусиятлари тадқиқ этилмаган. Бир қатор адабиётларда бозор мувозанати ва макроиқтисодий мувозанат тўғрисида фикр юритилсада, уларни таъминлашнинг муҳим шарти ва таркибий қисми ҳисобланган иқтисодий мутаносиблик назардан четда қолган⁸. Баъзи адабиётларда эса, иқтисодий мутаносибликни мувозанатлик билан чалкаштириш ҳолатлари мавжуд⁹.

⁶ Абдуғаниев А. Темпы и пропорции воспроизводства общественного продукта в Узбекистане. –Т.: Фан, 1973.; Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. –Т.: Шарқ, 2006. –480 б.; Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. –Т.: Мехнат, 1995. –528 б.; Ваҳобов А. Бозор муносабатлари тизимидаги ижтимоий фондлар. –Т.: Шарқ, 2003. –319 б.; Шодмонов Ш., Ғофуров У. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. –Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2010. –728 б.; Ғуломов С. Бозор иқтисодиёти назарияси ва амалиёти. Дарслик. –Т.: Ўқитувчи, 2000. –280 б.

⁷ Мазанова М. Территориальные пропорции народного хозяйства СССР. –М., 1970.; Бор М. Эффективность общественного производства и проблемы оптимального планирования. –М.: Мысль, 1972. –336 с.; Шаталин С. Функционирование экономики развитого социализма. –М., 1982.; Трифанов Д. Общие экономические законы. –Л.: Изд. ЛГУ, 1964.

⁸ Куликов Л.М. Экономическая теория: учеб. - М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2005. – 432 с.; Борисов Е.Ф. Экономическая теория: учеб. /2-е изд., перераб. и доп. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2005. – 544 с.; Иохин В.Я. Экономическая теория: учебник. –М.: Экономистъ, 2005. –861 с.; Экономика: Учебник. 3-е изд., перераб. и доп. /Под ред. д-ра экон. наук проф. А.С.Булатова. – М.: Экономистъ, 2005. – 896 с.; Экономическая теория: Учебник для студентов высших учебных заведений // Колл. авт.: К.Абдурахмонов и др. – Т.: «Шарқ», 1996.-640 с.; Экономическая теория: Учеб. для студ. высш. учеб. заведений / Под ред. В.Д.Камаева. – 10-е изд., перераб. и доп. – М.: Гуманитар. изд. центр ВЛАДОС, 2004. – 592 с.; Экономическая теория: учебник. / Изд. испр. и доп. Под общ. ред. акад. В.И.Видяпина, А.И.Добрынина, Г.П.Журавлевой, Л.С.Тарасевича. – М.: ИНФРА-М, 2005. – 672 с. ва бошқ.

⁹ Экономическая теория: учебник. / Под ред. А.Г.Грязновой, Т.В.Чечелевой. – М.: Издательство «Экзамен», 2004. – С.415-417.

2001 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Идоралараро Мувофиқлаштирувчи Кенгаши мажлисида мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов томонидан иқтисодиётнинг турли томонлари ўртасида жиддий номутаносибликлар борлиги таъкидланиб, уларни бартараф қилиш зарурлиги ва йўллари кўрсатилганидан кейин МДХ мамлакатлари орасида биринчилардан Ўзбекистонда бу масалага эътибор берила бошланди ва айрим тадқиқотлар олиб борилди¹⁰.

Юқорида қайд этилган илмий ишларда иқтисодий мутаносиблик ва мувозанатлик муаммосининг баъзи жиҳатларига эътибор берилган бўлсада, инкирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш иқтисодиётни модернизациялаш шароитида уларнинг мазмуни, вазифаси, амалга ошириш механизмлари ва иқтисодий дастаклари яхлит ҳолда етарли даражада ёритилмаган. Ушбу муаммонинг назарий ва амалий жиҳатларини чуқур тадқиқ этишнинг зарурлиги мавзунинг долзарблигини белгилайди ва тадқиқот мавзуси сифатида танланишга асос бўлди.

Диссертациянинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон Миллий университети ва Тошкент Давлат иқтисодиёт университети илмий-тадқиқот ишлари режалари (ИТД ОТ-Ф8. Ижтимоий-гуманитар фанлар дастури доирасидаги ОТ-Ф7-121 «Иқтисодиётда тежамкорлик ва мутаносибликни таъминлашнинг назарий-услубий асослари») доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади - мамлакатни модернизациялаш шароитида иқтисодиётни мувозанатли ва мутаносибли ривожлантириш механизмини такомиллаштиришга оид илмий таклиф ҳамда амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- иқтисодиётни мутаносиб ва мувозанатли ривожлантириш тўғрисидаги илмий назарияларни тарихийлик ва мантиқийлик тамойиллари нуқтаи-назаридан таҳлил қилиш;
- иқтисодий мувозанатлик ва мутаносиблик жараёнларининг мазмуни, мақсад ва вазифаларини аниқлаш, уларнинг амал қилиш механизмлари моҳиятини очиб бериш;
- иқтисодий мутаносиблик категориясининг моҳиятини тўлароқ очиб бериш, намоён бўлиш шакллари ўрганиш ва иқтисодий мувозанатни барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашдаги ўрнини аниқлаш;
- иқтисодий мутаносибликнинг бузилиш сабаблари ва унинг ижтимоий-иқтисодий оқибатларини таҳлил қилиш;
- бозор иқтисодиётига хос иқтисодий нисбатлар таркибини аниқлаш, туркумлаш ҳамда иқтисодий мувозанат ва мутаносибликнинг ўзаро алоқадорлигини асослаш;
- иқтисодиётни модернизациялаш шароитида иқтисодий мувозанатлик ва мутаносибликни таъминлашга доир бозор механизми дастакларининг ишлаш

¹⁰ Хамроев О.Х. Иқтисодий мувозанат ва уни таъминлаш механизмлари. –Т.: ТДИУ, 2004. -192 б.; Ўринов А.А. Мутаносиблик – барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим омили. - и.ф.н. илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. –Т.: ТДИУ, 2005. -23 б.

тамойилларини таҳлил қилиш, уларнинг самарали амал қилиш йўлидаги муаммоларини аниқлаш;

- иқтисодий мувозанатлик ва мутаносиблик таъминланишида давлат ва бозор механизмлари уйғунлашувига эришиш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ҳамда ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш;

- миллий иқтисодиётнинг макро ва микродаражаларида иқтисодий мувозанатлик ва мутаносибликни таъминлаш асосида барқарор иқтисодий ўсишга эришишга оид илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти бўлиб, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти таркиби, хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти, макроиқтисодий ва микроиқтисодий нисбатлар ҳамда барқарор иқтисодий мувозанатлик, мутаносиблик ва иқтисодий ўсишни таъминлаш жараёнлари хизмат қилади.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, миллий иқтисодиётни мувозанатлаштириш ва мутаносиблаштириш жараёнларида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар йиғиндиси ҳисобланади.

Тадқиқотнинг методи сифатида диалектик, илмий абстракция, таҳлил ва синтез, мантикийлик ва тарихийлик ҳамда макроиқтисодий ва микроиқтисодий таҳлил усуллари қўлланилди. Бунда ҳар бир иқтисодий воқеа, ҳодиса ва жараёнларни таҳлил қилишда икки томонлама ёндашув, яъни, ҳам қиймат ва нафтилиқ жиҳатидан таҳлил қилиш усулига алоҳида эътибор берилди. Назарий ёндашиш билан бир вақтда математик, статистик, қиёсий таҳлил, гуруҳлаш, кузатув усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқот гипотезаси. Диссертация ишида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида иқтисодиётни мувозанатли ва мутаносибли ривожлантиришга ҳамда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик концепциясини ишлаб чиқишда хизмат қилиши мумкин

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

- иқтисодий мувозанат тўғрисидаги назарий қарашлар тарихийлик ва мантикийлик таъминли нуктаи назаридан тадрижий изчилликда таҳлил қилинди, умумлаштирилди ва янгича назарий қарашлар ишлаб чиқилди. Иқтисодий мувозанат категориясига иқтисодиётни модернизациялаш, таркибий ўзгартириш, барқарор ва жадал ривожлантириш жараёнларини ўзида мужассамлаштирган таъриф шакллантирилди;

- иқтисодий мутаносиблик мазмуни, шакллари, турлари бозор иқтисодиёти талаблари асосида икки томонлама ёндашув нуктаи-назаридан таҳлил қилинди, бойитилди ва унинг бузилиш сабаблари аниқланиб, инқирозга олиб келиши мумкинлиги асосланди;

- иқтисодий мутаносиблик ва мувозанатлик мустақил категориялар бўлсада, улар доимо бир-бири билан ўзаро алоқада, боғлиқликда ва таъсирда бўлиши кўрсатиб берилди;

- иқтисодиётда мутаносиблик ва мувозанатликнинг бузилиши иқтисодий инқироз келиб чиқиши ва такрорланишининг асосий сабабларидан бири эканлиги, уларнинг таъминланиши эса, молиявий-иқтисодий инқирозларнинг

олдини олиш ёки таъсирини юмшатишнинг муҳим воситаси сифатида хизмат қилиши кўрсатилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги - иқтисодий мувозанатли ва мутаносибли ривожлантириш муаммосининг назарий ва амалий жиҳатлари таҳлил қилиниб, иқтисодий барқарор ривожлантириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Ишнинг илмий янгиликлари қуйидагилардан иборат:

- иқтисодий мувозанатлик тўғрисидаги турли назарий қарашлар тарихийлик ва мантиқийлик тамойиллари нуқтаи-назаридан тадрижий изчилликда таҳлил қилиниб, умумиқтисодий категория сифатидаги мазмуни очиб берилган;

- мувозанат ва мутаносиблик категорияларини тадқиқ қилишда фақат бир томонлама - қиймат нуқтаи-назаридан ёндашув усулига танқидий қаралиб, уларнинг таъминланиши учун иқтисодий жараён ва ҳодисалар қиймат жиҳати билан биргаликда нафлилик жиҳатидан ҳам таҳлил қилиниши лозимлиги асосланган;

- иқтисодий ҳодиса ва жараёнлар таҳлилига икки томонлама ёндашув усули қўлланилган ҳолда иқтисодий мувозанатлик амал қилиш тамойиллари мазмуни тадқиқ этилиб, шу асосда муаллифнинг иқтисодий мувозанатга нисбатан иқтисодий ривожланишнинг барқарорлиги ва яхлитлигини ўзида мужассамлаштирган таърифи шакллантирилган;

- иқтисодий мувозанат намоён бўлиш шакллари иқтисодий адабиётларда амалга оширилган туркумланиши танқидий ўрганилиб, у иқтисодийнинг соҳа ва тармоқлари, қисмлари, ҳодиса ва жараёнларни қамраб олиш даражасига кўра янгича тизимга солинган;

- иқтисодий мутаносибликнинг мазмунига такомиллашган муаллифлик таърифи шакллантирилган;

- иқтисодий мутаносибликни таъминлашнинг объектив зарурлиги умумиқтисодий аҳамият касб этувчи ҳамда миллий иқтисодийнинг самарали таркибий тузилмасини шакллантириш ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш мақсадидан келиб чиқувчи қатор омиллар орқали асосланган; мазкур омиллар ҳисобига иқтисодий мутаносибликларнинг мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш ва барқарор ўсиш суръатларини таъминлашдаги ижобий таъсирини янада ошириш йўналишлари кўрсатиб берилган;

- тадқиқот ишида таҳлиллар асосида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари ривожланишидаги ўзаро диалектик боғлиқлик даражаси баҳоланди ва улар ўртасидаги оқилона мутаносибликнинг шаклланиш тенденциялари очиб берилган;

- ишлаб чиқариш ичидаги мутаносибликларнинг оптимал ва самарали таркиб топишини белгиловчи меҳнат тақсимооти, ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви, кооперациялашуви, комбинациялашуви, уни диверсификациялаш, ишлаб чиқариш функцияси каби омилларнинг мутаносибликка таъсири очиб берилган;

- иқтисодий мувозанат ва мутаносибликни таъминлашда бозор механизми асосий дастакларининг амал қилиш тамойиллари ўрганилиб, уларни янада такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқилган. Иқтисодий мувозанат ва мутаносибликни таъминлашнинг бозор механизми билан бир қаторда давлат механизми мажмуасининг таркиби тавсия этилган;

- иқтисодий мувозанатни таъминлашнинг тармоқ ва ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш зарурлиги асосланиб, ушбу дастурларни мувофиқлаштириш орқали миллий иқтисодиётнинг мувозанатли ва мутаносиб ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари мажмуини ифодаловчи комплекс мақсадли давлат дастурини ишлаб чиқиш таклиф қилинган;

- иқтисодиётни модернизациялаш шароитида миллий иқтисодиётнинг мувозанатли ва мутаносиб ривожланишини таъминлашнинг устувор йўналишларидан бири - ресурслардан тежамли фойдаланиш жараёнини давлат томонидан тартибга солишни ташкил этиш тамойиллари ишлаб чиқилиб, мазкур механизмни йўлга қўйишнинг изчил кетма-кетлигини ифодаловчи махсус тартиб (алгоритм) тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот иши натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, диссертация ишидан олинган илмий ва амалий тавсиялардан иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида иқтисодиётни мувозанатли ва мутаносиб ривожлантиришнинг устувор йўналишларини келажакда чуқур ўрганишга бағишланган махсус тадқиқот ишларида, ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик концепцияси ишлаб чиқилишида манба сифатида фойдаланиш мумкин. Тадқиқот иши натижаларининг амалий аҳамияти, диссертациянинг илмий таклифи ва амалий тавсиялари иқтисодиётимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг стратегик йўналишларини, иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланиш билан боғлиқ мақсадли давлат дастурларни ишлаб чиқишда фойдаланиш билан белгиланади.

Диссертация материалларидан олий ўқув юртларида «Иқтисодиёт назарияси», «Макроиқтисодиёт», «Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш» фанлари дастурини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги (2010 йил 4 июндаги 2-1-20/20-533-маълумотнома), Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (2011 йил 14 апрелдаги 06/03-04-297-далолатнома) ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги (2011 йил 30 апрелдаги 02-06/1303-далолатнома) томонидан фойдаланиш учун қабул қилинган. Тошкент Давлат иқтисодиёт университети (2010 йил 10 февралдаги далолатнома) ва Ўзбекистон Миллий университети (2010 йил 5 апрелдаги №07-1235-далолатнома) томонидан «Иқтисодиёт назарияси», «Макроиқтисодиёт» фанлари дастурини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш учун қабул қилинган. Ишдаги амалий ва услубий ишланмалар Тошкент Давлат иқтисодиёт университети томонидан (2010 йил 25 мартдаги 04-1051-маълумотнома) ИТД ОТ-Ф8.

Ижтимоий-гуманитар фанлар дастури доирасидаги ОТ-Ф7-121 «Иқтисодиётда тежамкорлик ва мутаносибликни таъминлашнинг назарий-услубий асослари» мавзусидаги фундаментал тадқиқотлар дастурини бажаришда қўлланилган.

Ишнинг синовдан ўтиши. Тадқиқот жараёнида олинган диссертациянинг асосий ғоялари ва илмий ҳулосалари «Международный опыт создания финансово-промышленных групп и проблемы совершенствования корпоративного управления в Узбекистане» (Москва, 2008), «Иқтисодиётнинг таркибий қисмлари ўртасидаги мутаносиблик ва мувозанатни таъминлашнинг назарий асослари» (Тошкент, 2008), «Социально-экономические проблемы развития интеграционных процессов в условиях либерализации национальной экономики» (Москва, 2008), «Ўзбекистон иқтисодиёти: эришилган ютуқлар, муаммолар ва ривожланиш истикболлари» (Тошкент, 2008), «Социально-экологические проблемы развития интеграционных процессов в условиях глобализации экономики» (Москва, 2009), «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқрозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсирини юмшатиш омиллари ва уни бартараф этиш йўллари» (Тошкент, 2009), «Иқтисодий оқимлар доиравий айланиш жараёнининг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришдаги роли: назарий қарашлар ва замонавий талқинлар» (Тошкент, 2009), «Проблемы и пути повышения эффективности взаимодействия регионов в условиях глобализации экономики» (Москва, 2009), «Трансформация экономических отношений в условиях преодоления последствий глобального финансово-экономического кризиса» (Москва, 2010), «Реализации антикризисной программы – основа дальнейшего развития национальной экономики и повышения его конкурентоспособности» (Москва, 2010), «Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни ва аҳамияти» (Тошкент, 2011) мавзуларида ўтказилган халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларида маъруза кўринишида баён қилинган ва маъқулланган.

Диссертация иши Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети иқтисодиёт факультети «Иқтисодиёт назарияси» кафедрасининг кенгайтирилган мажлисида ва Тошкент Молия институти ҳузуридаги Ўзбекистон Миллий университети ҳамкорлигида Д.067.60.01 рақамли Бирлашган Ихтисослашган кенгаш қошидаги Илмий семинарда муҳокама қилиниб, ҳимояга тавсия қилинган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг асосий илмий ғоялари ва натижалари 28 номдаги илмий ишлар кўринишида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, беш боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Тадқиқот иши матни 321 бетдан иборат бўлиб, 41 та жадвал ва 42 та расмни ўз ичига олган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Иқтисодиёт мураккаб таркибий тузилмага эга бўлиб, унинг яхлит тизим сифатида самарали амал қилиши кўп жиҳатдан турли тармоқ ва соҳалар,

бўлинмалар, ҳудудлар, ҳодиса ва жараёнлар, яъни иқтисодиёт таркибий қисмлари ўртасида ўрнатилган мувозанатлик ва мутаносиблик ҳолатига боғлиқдир. Иқтисодий мувозанатлик ва мутаносиблик таъминланган мамлакатларда инқирознинг олди олиниб, барқарор иқтисодий тараққиётга эришилади. Мамлакатимиз Президенти И.Каримов таъкидлаганидек, «...Жаҳон иқтисодиётининг юксалиши ва инқирозни олдиндан кўриш имконини берадиган ҳар томонлама чуқур ўйланган, аниқ мақсад ва устувор йўналишларни ўз ичига олган тараққиёт дастури ва уни амалга ошириш стратегиясига эга бўлган мамлакат ва халқ пировард натижада муваффақиятга эришади»¹¹.

Иқтисодий мувозанат ва унинг амал қилиши билан боғлиқ ҳодиса ва жараёнларнинг моҳиятини чуқурроқ тушуниш, уни таъминлашнинг асосий йўналишларини аниқлаш, усуллар ва воситаларидан самарали фойдаланиш мувозанатликнинг умумиқтисодий категория сифатидаги мазмунини тўлароқ очиб беришни тақозо этади. Шунга кўра, ишда иқтисодий мувозанат тўғрисидаги турли назарий қарашларни тарихийлик ва мантиқийлик тамойили нуқтаи-назаридан тадрижий изчилликда таҳлил қилинди.


Тадқиқот жараёнида иқтисодий мувозанатни таърифлашда қуйидаги мунозарали жиҳатлар мавжудлиги аниқланди:

- иқтисодий мувозанат тушунчасини умумий мувозанат тушунчаси билан чалкаштириш ва уларнинг фарқли жиҳатларининг эътибордан четда қолдирилиши;
- иқтисодий мувозанатни мутаносиблик билан бир хил маънодаги тушунча сифатида қабул қилиниши;
- иқтисодий мувозанат ва мутаносиблик белгиларининг чалкаштириб юборилиши;
- умумиқтисодий мувозанатни иқтисодиётдаги алоҳида, аниқ бир ҳолат ёки томонлар ўртасидаги мувофиқликни ифодалашда, яъни чекланган ҳолда қўллаш.

Тадқиқот ишида умумиқтисодий мувозанатликка фақат бир томонлама, яъни қиймат нуқтаи-назаридан ёндашиб келинганлиги, бу эса мазкур ижтимоий-иқтисодий воқеликнинг мазмунини тўлиқ намоён эта олмаслиги аниқланди ва илмий жиҳатдан асосланди. Чунончи, умумиқтисодий мувозанатнинг ифодаси бўлган ялпи талаб ва ялпи таклифнинг қиймат жиҳатидан тенглиги доимо иқтисодиётда мувозанатга эришилганлигини англатавермайди. Чунки, маълум қийматни намоён этувчи ялпи талабни фақат шунча қийматга тенг товар ва хизматлар ишлаб чиқариш орқали қондириш у қадар мушкуллик туғдирмайди. Масаланинг муҳим томони шундаки, ҳақиқий маънодаги умумиқтисодий мувозанат таъминланиши учун ялпи талаб ва ялпи таклиф қиймат ва нафлилик, яъни таркиби, сифати ва миқдори жиҳатидан ўзаро тенг бўлиши лозим. Тадқиқот ишида иқтисодий мувозанатга икки томонлама ёндашилиб, бу борадаги мавжуд назариялар янгича назарий қарашлар билан

¹¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2010. -Б.6.

умумлаштирилган. Иқтисодий мувозанатликнинг қиймат ва нафлилик жиҳатидан таркиби чизма шаклида тасвирланган (1-расм).



1-расм. Умуиктисодий мувозанатнинг қиймат ва нафлилик жиҳатидан таркибий тузилиши¹²


Ишда иқтисодий мувозанатлик амал қилиши унинг маълум даражада нисбий аҳамият касб этиши; иқтисодий жараён ва ҳодисалар томонларининг бир-бирига тенглик ҳолати; мунтазам равишда издан чиқиб ва қайта тикланиб туриши; унга турли даражадан ёндашиш мумкинлиги; иқтисодий барқарорлик

¹² Муаллиф томонидан тузилган.

ва иқтисодий ўсишни таъминлашга йўналтирилганлиги; кенг қамровлиги, турли-туман жиҳатларни намоён этиши; иқтисодий субъектлар манфаатларининг юқори даражада таъминланиши каби тамойилларни тадқиқ этиш асосида муаллифнинг иқтисодий мувозанатга нисбатан замонавий хўжалик юритишда ишлаб чиқарувчи кучларнинг жадал ривожланиши ва яхлитлигини ўзида мужассамлаштирган қуйидаги таърифи шакллантирилди: иқтисодий мувозанат – иқтисодиётнинг турли даражасида рўй берадиган воқеа, ҳодиса ва жараёнларнинг икки ёки бир неча томонларининг тенглиги бўлиб, самарали, барқарор иқтисодий ўсиш ва халқ фаровонлигини оширишнинг моддий асоси ҳисобланади.

Иқтисодий мувозанатнинг мазмуни ва уни таъминлашнинг объектив зарурлигини тадқиқ этиш мувозанатликнинг намоён бўлиш шакллари ўрганиш орқали амалга оширилиб, у тадқиқот учун қуйидаги имкониятларни вужудга келтиради: иқтисодий ҳодиса ва жараёнлар ўртасидаги мувозанатликнинг таркиб топиши ва амал қилиш хусусиятлари тўлиқ намоён бўлиши; иқтисодиётнинг турли даражасида мувозанатликни таъминлашнинг ўзига хос хусусиятлари, йўллари ва усуллари аниқлаш; иқтисодий жараёнларнинг доимий ва ўзгарувчи ҳолатларида мувозанатликка эришиш шарт-шароитларини аниқлаш; иқтисодий мувозанатликни таъминлашнинг муддат жиҳатидан тафовутлари ва хусусиятларини очиқ бериш; иқтисодий мувозанатликни давлат томонидан тартибга солишнинг усул ва воситаларини ишлаб чиқиш ва ҳ.к.

Иқтисодий мувозанатнинг намоён бўлиш шакллари иқтисодиётнинг соҳа ва тармоқлари, қисмлари, ҳодиса ва жараёнларни қамраб олиш даражасига кўра туркумлаш мақсадга мувофиқ, деб ҳисобланиб, иқтисодий мувозанат умумий ва қисман мувозанатга ажратилган (2-расм).



2-расм. Иқтисодий мувозанатнинг намоён бўлиш шакллари¹³

¹³ Муаллиф томонидан тузилган.

Бозор шароитида умумий иқтисодий мувозанат, аввало, ялпи талаб ва ялпи таклифнинг тенг бўлишида намоён бўлади. Ялпи талаб ва ялпи таклиф нисбати қатор омиллар таъсирида шаклланиб, уларнинг таҳлили орқали функционал алоқалар, мувозанатлик шартлари ва беқарорлик сабаблари ўрганилади. Бозор иқтисодиётида бир вақтнинг ўзида ҳам мувозанатлик ва номувозанатлик кучлари амал қилади. Номувозанатлик фан-техника тараққиётининг объектив, узлуксиз ривожланиши, ялпи талаб ва ялпи таклифнинг миқдор ва сифат жиҳатларининг вақт бўйича мос келмаслиги туфайли вужудга келади. Иқтисодиётдаги номувозанатликларнинг вужудга келиши миллий хўжаликда салбий ижтимоий-иқтисодий оқибатларга, яъни иқтисодий танглик, инқироз ва банкротликка олиб келади. Жумладан, 2008 йилда АҚШнинг ипотека кредитлаш тизимидан бошланган ҳамда кейинчалик иқтисодий ва ижтимоий соҳаларни қамраб олиб, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига айланган глобал жараёнлар ҳам узоқ йиллар давомида мавжуд бўлган номувозанатлик ва номуносибликлар натижаси ҳисобланади.

Фикримизча, «Қисман иқтисодий мувозанат – бу иқтисодий ҳодиса ва жараёнлар, соҳа ва тармоқлар ҳамда томонларнинг муайян қисмининг ўзаро тенглик ҳолатидир».

Қисман иқтисодий мувозанат ҳодиса ва жараёнларнинг қуйидаги томонлари ўртасида намоён бўлади: ишлаб чиқариш ва истеъмол; аҳолининг харид қилиш қobiliяти ва товарлар таклифи массаси; бюджет даромадлари ва харажатлари; алоҳида товарларга талаб ва таклиф.

Иқтисодий мувозанатнинг қайси даражада таъминланишига кўра макроиқтисодий ва микроиқтисодий мувозанатга ажратиш мумкин. Макроиқтисодий мувозанат – бу иқтисодиёт асосий кўрсаткичларининг тенглиги ва муносиблиги, хўжалик фаолияти иштирокчиларининг мавжуд ҳолатни ўзгартиришга рағбати мавжуд бўлмаган вазият ҳисобланади. Микродаражадаги мувозанат эса бу алоҳида иқтисодий объектлардаги жараён ва ҳодисалар, томонларнинг тенглик ҳолатидир.

Фикримизча, иқтисодий мувозанатлик шакллари таъминланиш муддатлари бўйича туркумлаш жараёнида қатор илмий хулосалар олинди. Биринчидан, иқтисодий мувозанатни муддатларга ажратиш нисбий баҳолаш асосида амалга оширилади. Шунга кўра, иқтисодий мувозанатни муддати жиҳатидан даврларга ажратишдаги асосий мезон – ушбу даврлаштириш жараёнлари илмий-тадқиқот натижаларининг аниқлиги ва самарасини оширишга йўналтирилган бўлиши лозим; Иккинчидан, қисқа муддатли мувозанатни беқарор, узоқ муддатлиси эса – барқарор мувозанат деб баҳоланиши илмий абстрактикка хос воқелиқдир. Таҳлиллар кўрсатишича, иқтисодий мувозанатнинг бузилиши ва тикланиши доимий такрорланиб турадиган объектив жараёндир.

Ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг турли даражаларида иқтисодий мувозанатлик таркиб топиши ва амал қилишининг тадқиқ этилиши бошқа мувозанатлик шакллариининг мавжудлигини намоён этиши мумкин.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, иқтисодий мувозанатнинг классик ва замонавий назарияларида асосий эътибор иқтисодиётнинг турли даражасидаги

мувозанатликнинг бузилиш сабабларини ўрганишга қаратилган. Умуман олганда, иқтисодий фанда мувозанатнинг бузилиши деганда, иқтисодий манфаатларнинг бир-бирига зид келиши ёки ялпи ички маҳсулот, соф миллий маҳсулот, бандлик даражаси ва инфляция каби макроиқтисодий кўрсаткичларнинг салбий томонга ўзгариш ҳолати тушунилади.

Макроиқтисодий даражада мувозанатнинг бузилиш сабаблари сифатида ижтимоий эҳтиёжларнинг чексиз ўсиши билан уларни қондириш учун талаб қилинадиган иқтисодий ресурсларнинг чекланганлиги; мавжуд эҳтиёжларни қондириш билан тегишли неъматларни ишлаб чиқариш вақтининг мос келмаслиги; иқтисодий тараққиётнинг циклик ривожланиши; макроиқтисодий сиёсатни самарасиз юритилиши; яширин иқтисодиёт мавжудлиги; ташқи савдо таркибининг мақсадга мувофиқ эмаслиги ажратиб кўрсатилади. Микроиқтисодиёт даражасидаги мувозанатликнинг бузилиш сабаблари сифатида эса, хўжалик субъектларида макроиқтисодий барқарорлаштириш сиёсатини, иқтисодий ва юридик қонунларни амалга ошириш бўйича иқтисодий механизмларнинг тўлиқ ишлаб чиқилмаганлиги ва микроиқтисодиётга татбиқ этилмаганлиги; корхоналарда асосий фондлар эскирганлик даражасининг юқорилиги, техник ва технологик қолоқлик, айланма маблағларининг етишмаслиги; хўжалик субъектлари фаолият юритаётган ҳудудларда мавжуд ижтимоий муаммолар қайд этилади.

Иқтисодий мувозанатнинг мазмун-моҳиятини англашда иқтисодий мувозанатликни таъминлашнинг объектив зарурлигини асослаш муҳим ҳисобланади. Тадқиқот давомида мамлакатда иқтисодий ўсишнинг таъминланиши; иқтисодий ресурсларнинг тўла бандлиги; иқтисодий эркинлик тамойилларининг амал қилиши; аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тадбирларининг амалга оширилиши; ижтимоий-иқтисодий самарадорликка эришиш; нархларнинг барқарор даражасини таъминлаш; даромадларнинг адолатли тақсимланишини таъминлаш; жаҳон бозорида иштирок этиш, ижобий савдо балансига эришиш каби омилларнинг иқтисодий мувозанатни таъминлашдаги ўрни чуқур таҳлил қилинган.

Иқтисодиётнинг барқарор, самарали ва мувозанатли ривожланишини таъминлаш унинг турли тармоқлари, соҳалари ва бўлимлари ўртасида муайян мутаносибликнинг мавжуд бўлишини тақозо этади. Иқтисодий мутаносиблик алоҳида иқтисодий категория бўлиб, у ўз табиати, келиб чиқиш сабаблари, ички ривожланиш қонуниятлари ва намоён бўлиш шакллариغا эгадир.

Иқтисодий адабиётларда мутаносибликнинг мазмунини ифодалашда қуйидаги ёндашувлар мавжуд: 1) ижтимоий меҳнатнинг ижтимоий эҳтиёжга мос равишда тармоқлар ва соҳалар бўйича тақсимланиши; 2) ишлаб чиқариш муносабатлари тизимининг таркибий қисмлари ўртасидаги миқдорий боғлиқлик ва ушбу тизимнинг мақсадини рўёбга чиқаришнинг таъминловчи воситаси; 3) турли иқтисодий қонун ва жараёнларни (масалан, вақтни тежаш қонуни, ишлаб чиқариш самарадорлиги, иқтисодий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва бошқалар) амалга ошиш шарти; 4) иқтисодий жараён ва ҳодисаларнинг тартиблаган нисбати, улар ўртасидаги мувозанатликни таъминловчи ва ўзаро алоқани ифодаловчи восита; 5) инсон фаолиятининг

соҳаларини (моддий ва номоддий) қамраб олувчи умумиқтисодий ва умуминсоний категория.

Ушбу ёндашувлар фикримизча қуйидаги камчиликларга эга: 1) бу ёндашувларда мутаносибликка хос бўлган ички зиддиятлар ифодаланмаган; 2) тадқиқот ишлаб чиқариш муносабатлари тизимининг таркиби билан чекланиб қолган; 3) мутаносиблик хусусиятлари айрим иқтисодий қонун ва жараёнларга татбиқан ўрганилиб, иқтисодиётнинг бошқа жабҳалари назардан четда қолган; 4) баъзи ёндашувлар фалсафий-ижтимоий тавсифга эга бўлиб, уларда иқтисодий жиҳатларга эътибор қаратилмаган.

Диссертация ишида умумиқтисодий, тармоқлараро, тармоқ ичидаги, ишлаб чиқариш ичидаги, ҳудудий, мамлакатлараро мутаносибликларнинг мазмуни ва намоён бўлиш шакллари алоҳида жадвал орқали ифодаланган.

Иқтисодий мутаносиблик ўз мазмунига кўра, турлича ёндашувлар умумлаштирилган ҳолда ишда унинг қуйидаги таърифи шакллантирилган: иқтисодий мутаносиблик – иқтисодиётнинг турли соҳалари, тармоқлари, томонлари ва бўлимлари ўртасидаги миқдор ва сифат жиҳатидан муайян нисбатлардаги ўзаро мослиги бўлиб, барқарор равишда такрорланиб турувчи доимо ривожланишда, ўзгаришда бўладиган иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни ифодаловчи умумиқтисодий категориядир. Унинг талабларини ҳисобга олган ҳолда амалда қўлланиши иқтисодиётнинг тебранишларсиз, барқарор ривожланишининг муҳим шарти ҳисобланади.

Тадқиқотчи ишида иқтисодий мутаносибликнинг қуйидаги вазифалари тадқиқ этилган:

- иқтисодий ўсиш ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг барқарор суръатларни таъминлаш учун асос яратиш;

- ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш;

- иқтисодий ресурсларнинг миллий иқтисодиёт тармоқ ва соҳалари, ҳудудлари ва бошқа таркибий қисмлари бўйича оқилона ҳамда самарали тақсимланишига имкон яратиш;

- жамиятдаги мавжуд ишчи кучи ресурсларини иқтисодиёт тармоқлари, соҳалари ва ҳудудлари ўртасида оқилона тақсимлаш ва ҳ.к.

Иқтисодий мутаносибликнинг мазмуни қуйидаги белгилар орқали намоён бўлади: иқтисодий муносабатларнинг ўзига хос кўриниши эканлиги; ижтимоий-иқтисодий тизимнинг ўзгариши билан боғлиқлиги; иқтисодиётнинг турли томонлари ва соҳалари ўртасида амал қилиши; ҳодиса ва жараёнларнинг миқдор ва сифат жиҳатларини қамраб олиши; маълум бир жараённинг турли томонлари ўртасида тенглик бўлишининг шарт эмаслиги, улар мос келувчи нисбатларда бўлиши мумкинлиги; умуман иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни тартибга солишга йўналтирилганлиги; турли омиллар таъсирида ўзгарувчанлиги; бузилган нисбатларнинг ўз-ўзидан қайта тикланишга интилиши; турли хусусиятларига кўра фарқланувчи муайян тизимга эгалиги.

Тадқиқот ишида иқтисодиётда мутаносибликни таъминлашнинг объектив зарурлиги миллий иқтисодиётнинг самарали таркибий тузилмасини шакллантириш ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш мақсадидан

келиб чикувчи қатор омиллар орқали асосланган. Фикримизча, умумиқтисодий аҳамият касб этувчи омилларга қуйидагилар киради: чекланган ресурслар шароитида эҳтиёжларни юқори даражада қондириш; ижтимоий меҳнат тақсимотини вужудга келиши ва ривожланиши; ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнининг амал қилишини таъминлаш; ишлаб чиқариш кучлари ва муносабатларининг ривожланишини таъминлаш. Миллий иқтисодиётнинг самарали таркибий тузилмасини шакллантириш ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш омиллари сифатида эса қуйидагиларга эътибор қаратилган: иқтисодиётнинг самарали таркибий тузилмасини шакллантириш; барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш; инвестиция жараёнларини жадаллаштириш, инвестицион фаолликни рағбатлантириш; миллий валюта тизими барқарорлигини ошириш, инфляция жараёнларини жиловлаш; иқтисодий циклларнинг олдини олиш, иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлаш; аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини тўхтовсиз ошириш; иқтисодий ресурслардан тежамли ва самарали фойдаланиш.

Тадқиқот жараёнида мазкур омиллар орқали иқтисодий мутаносибликларнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишини барқарор ўсиш суръатларини таъминлашга ижобий таъсирини кучайтиришда қуйидаги йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги асосланди:

- мамлакатнинг ЯИМ ўсишида турли тармоқлар улуши ўртасидаги оптимал мутаносибликни таъминлаш;
- мамлакатнинг ЯИМ ҳажмида саноат ишлаб чиқариши, шу жумладан, қайта ишлаш тармоқлари улушини ошириш;
- иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқлари ўртасидаги мутаносибликларни таъминлашда хомашё етказиб берувчи тармоқлар билан уни қайта ишловчи саноат тармоқлари ўртасидаги нисбатларнинг оқилона даражасига эришиш;
- қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш, маҳаллий хомашёдан самарали фойдаланиш ҳисобига қурилиш тармоғи ички номутаносибликларини бартараф этиш;
- мутаносибликни таъминлашда мамлакатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш нуқтаи-назаридан ёндашиш;
- иқтисодий мутаносибликларни таъминлашда иқтисодий ресурслар сарфининг замонавий илмий меъёрларини ишлаб чиқиш;
- мамлакат ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши даражалари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш.


Иқтисодий мувозанатлик ва мутаносиблик категориялари мазмунан ўзаро боғлиқликда ва таъсирда, доимий ҳаракат ва ўзгаришда, ривожланишда деб ёндашиш уларнинг яхлит иқтисодий жараён сифатидаги моҳиятини очиқ беришга имкон яратади.

Иқтисодий мутаносибликнинг мувозанатлик категорияси билан боғлиқлиги ва уларнинг ўзаро таъсирини ўрганиш орқали қуйидагиларга эришиш мумкин:

- ҳар иккала иқтисодий категориянинг моҳиятини ўрагишда уларни намоён этувчи белги ва жиҳатларни аниқлаш;

- иқтисодий мувозанат ва мутаносибликнинг ишлаб чиқариш муносабатлари тизимидаги ўрнини аниқлаш, бунда уларнинг ўзаро муносабати, бир-бирини тақозо этиши ва таъсири йўналишлари моҳиятини очиб бериш.

Иқтисодий мутаносибликнинг мувозанатлик билан ўзаро боғлиқлиги ва таъсирини очиб беришда дастлаб уларни тақозо этувчи омилларнинг ўзаро боғлиқлигидан келиб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Иқтисодий мувозанат ва иқтисодий мутаносибликни тақозо этувчи омиллар ўз-ўзича мустақил, алоҳида хусусиятга эга бўлиб, муайян иқтисодий жараённинг объектив зарурлигини ифодалайди. Шунингдек, яхлит ижтимоий-иқтисодий тизимда амал қилиши сабабли улар бир-бири билан турли даражада ўзаро боғлиқ ҳисобланади. Ишда умумий ҳолда ҳар иккала жараённи тақозо этувчи омилларнинг ўзаро боғлиқлиги чизма орқали ифодалаб берилган (3-расм).



Шартли белгилар:

Т – яхлит иқтисодиёт, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни мувозанатлаштирувчи муҳим томонлари;

ТҚ – муайян иқтисодий ҳодиса, жараён ва иқтисодиёт томонларининг таркибий қисмлари;

М – таркибий қисмлар ўртасидаги мутаносиблик.

3-расм. Иқтисодий мувозанат таъминланишининг мутаносиблик билан боғлиқлиги¹⁴

Маълумки, иқтисодий мувозанатлик яхлит иқтисодиёт ёки унинг алоҳида олинган ҳодиса ва жараёнларининг ҳар иккала томонлари ўртасидаги тенгликни ифодалайди. Бироқ, бунда ҳар қандай ҳодиса ёки жараён, иқтисодиётнинг таркибий қисми ўзаро тенглаштирилиши мумкин эмас. Бу борадаги муҳим шарт – уларнинг мантиқан ва миқдоран ўзаро мос бўлиши, иқтисодий жараённинг яхлит мазмун-моҳиятини таркиб топтиришда тенг иштирок этадиган томонлар ҳисобланиши зарур. Шунингдек, мувозанатлашувчи томонларнинг ўзаро тенглигини таъминлаш натижасида иқтисодиётда маълум миқдор ва сифат ўзгариши таъминланиши, уни ривожлантирувчи, ҳаракатга келтирувчи куч, шарт-шароит ҳосил бўлиши ҳам муҳим ҳисобланади.

Ўз навбатида, мувозанатлаштирувчи томонларнинг ҳар бири ўзига хос, алоҳида ва мустақил муайян ички таркибий тузилмага эга. Иқтисодий

¹⁴ Муаллиф томонидан тузилган.

мувозанатликка эришиш учун таркибий қисмларнинг маълум даражада ўзаро мувофиқлашуви тақозо этилади.

Айни вақтда иқтисодий мувозанатнинг мутаносибликка таъсири масаласи ҳам муҳим ҳисобланади. Иқтисодий мувозанат барқарор жараён бўлмай, кўплаб омиллар ва сабаблар таъсири остида вақти-вақти билан бузилиб туради. Муҳими, иқтисодий мувозанат қайта тикланиши учун унинг таркибий қисмлари ўртасидаги мутаносибликлар мувофиқ равишда ўзгариши тақозо этилади.

Шунинг учун ҳам, мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов «Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини ошириш ва мавқеини мустаҳкамлашга йўналтирилган таркибий ўзгаришлар ва юксак технологияларга асосланган замонавий тармоқлар ва ишлаб чиқариш соҳаларини жадал ривожлантириш сиёсатини 2011 йилдаги асосий устувор йўналишлардан бири»¹⁵, деб таъкидлаб ўтдилар.

Ушбу иқтисодий сиёсат амалга оширилиши туфайли, иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари таъминланмоқда ва чуқур таркибий ўзгаришлар амалга оширилмоқда (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистонда ЯИМнинг таркибий тузилиши¹⁶ (фоизда)

Йиллар	ЯИМ	Шу жумладан				
		Саноат	Қишлоқ хўжалиги	Қурилиш	Хизматлар соҳаси тармоқлари	Соф солиқлар
2000	100	14,2	30,1	6,0	37,2	12,5
2001	100	14,1	30,0	5,8	38,2	11,9
2002	100	14,5	30,1	4,9	37,9	12,6
2003	100	15,8	28,4	4,7	37,4	13,7
2004	100	17,5	26,4	4,8	37,2	14,1
2005	100	21,1	26,3	4,8	37,2	10,6
2006	100	21,8	25,1	5,1	37,9	10,1
2007	100	21,0	23,0	5,9	39,8	10,1
2008	100	23,0	18,9	6,1	44,2	7,3
2009	100	23,6	18,2	7,4	44,1	6,8
2010	100	23,9	17,5	1,8	49,0	7,8

1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган ЯИМни тармоқ таркибида жиддий силжишлар содир бўлмоқда. Унда саноат маҳсулотлари абсолют миқдори ўсиши билан бирга ЯИМдаги улуши ҳам ўсиш тенденциясига эга. Агар унинг ЯИМдаги улуши 2000 йилда 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда 23,9 фоизга етди. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида эса маҳсулотнинг абсолют ҳажми ўсиб, 2000 йилдаги 980,0 млрд. сўмдан 2010 йилда 10820,5 млрд. сўмни ташкил этди. Шу

¹⁵ Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. –Т.: Ўзбекистон, 2011. –Б.23.

¹⁶ Муаллиф томонидан тузилган. Манба: Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами 2007 / Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. – Т., 2008; Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси 2009, 2010.

билан биргаликда унинг ЯИМдаги улуши шу давр мобайнида 30,1 фоиздан 17,5 фоизга камайди.

Мамлакатимиз Президенти И.Каримов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасидаги маърузасида 2010 йилда ЯИМдаги саноатнинг улуши 24 фоизга етганлигини таъкидлаб ўтдилар ва кейинги беш йил ичида - 2015 йилгача саноатда ишлаб чиқариш ҳажмини 60 фоизга ошириб, унинг ЯИМдаги улушини 28 фоизга етказиш вазифаси қўйилди. Бунда машинасозлик, автомобилсозлик, кимё, озиқ-овқат, фармацевтика, қурилиш материаллари саноати ва бошқа айрим соҳаларда икки баробардан зиёд ўсишни таъминлаш вазифаси белгиланган¹⁷. Буларнинг барчаси келажакда иқтисодиётимиз таркибида жиддий ўзгаришлар содир бўлиши, унда саноатнинг салмоғи янада юксалиб бориши ва самарадорлиги янада ошиши мумкинлигидан далолат беради.

Миллий иқтисодиётнинг турли таркибий қисмлари ўртасидаги мутаносибликларни тадқиқ этишда энг аввало, умуқиқтисодий мутаносибликларнинг мазмуни ва намоён бўлиш шакллари кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Умуқиқтисодий мутаносибликлар – бу миллий иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳалари, ҳудудлари ва бошқа белгиларига кўра фарқланувчи таркибий қисмлари учун тааллуқли бўлган муайян нисбатлардаги ўзаро мосликдир. Умуқиқтисодий мутаносибликлар миллий иқтисодиётнинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлаб, барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароит яратади.

Умуқиқтисодий мутаносибликлар хилма-хил бўлиб, уларнинг миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашдаги ўрни ҳар бир мамлакатнинг муайян шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда фарқ қилиши мумкин. Иқтисодий адабиётларда умуқиқтисодий мутаносибликларнинг қуйидаги шакллари фарқланади: иқтисодиётнинг моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари ўртасидаги мутаносибликлар; истеъмол ва жамғариш ўртасидаги мутаносибликлар; иқтисодиётдаги товар ва хизматлар массаси билан пул массаси ўртасидаги мутаносибликлар; аҳоли даромадлари билан харажатлари ўртасидаги мутаносибликлар; ижтимоий ишлаб чиқаришнинг асосий бўлинмалари ўртасидаги мутаносибликлар ва ҳ.к.

Таҳлиллар кўрсатишича, моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари ривожланишида ўзаро диалектик боғлиқлик мавжуд, яъни, ишлаб чиқаришни ривожлантирмай туриб, хизмат соҳасини кенгайтириб бўлмайди. Ўз навбатида, хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши ишлаб чиқариш ривожига янги имкониятларни очиб беради. Мамлакатимиз Президенти И.Каримов айтганларидек, «Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасини янада кенгайтириш ғоят муҳим аҳамиятга эга. Бундай тармоқлар ташқи конъюнктурага ҳам, об-ҳаво шароитига ҳам боғлиқ эмас, яъни ташқи омилларнинг ўзгариши уларга таъсир кўрсата олмайди. Айни пайтда бу хизматлар ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг кўплаб турларига

¹⁷ Каримов И. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. –Т.: Ўзбекистон, 2011. –Б.23.

ички талабни оширади, шунингдек, истеъмола бозорида мутаносибликни сақлашда муҳим роль ўйнайди»¹⁸.

Таҳлиллар кўрсатишича, жаҳон иқтисодиётида ишлаб чиқариш соҳаси ва жадал суръатлар билан ўсиб бораётган хизмат кўрсатиш соҳаси ўртасида ўзаро оқилона мутаносибликнинг шаклланиш жараёни давом этмокда. Ушбу нисбат куйидаги омиллар таъсирида шаклланмокда:

- ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида асосий эътиборнинг маҳсулот ишлаб чиқаришдан хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга қаратилиши;
- хизмат кўрсатиш соҳаларида янги иш ўринларини ташкил этиш имкониятининг нисбатан кенглиги;
- моддий ишлаб чиқариш соҳасидан бўшаган ортиқча ишчи кучининг хизмат кўрсатиш соҳасига ўтиши;
- ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун хизмат кўрсатиш соҳасига бўлган эҳтиёжнинг ўсиши;
- моддий ишлаб чиқариш соҳаси технологик даражасининг юксалиши хизмат кўрсатиш соҳалари меҳнат салоҳиятининг ўсишига олиб келиши.

Ўзбекистонда иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида хизмат кўрсатиш соҳасининг жадал суръатлар билан ривожланиши кузатилмокда (2-жадвал).

2-жадвал

Ўзбекистонда моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари ўртасидаги нисбат¹⁹

Йиллар	Жами ялпи ички маҳсулот, %	Шу жумладан		Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари ўртасидаги нисбат
		Моддий ишлаб чиқариш соҳасининг ЯИМдаги улуши, %	Хизмат кўрсатиш соҳасининг ЯИМдаги улуши, %	
2000	100	50,3	37,2	1:0,74
2001	100	49,9	38,2	1:0,77
2002	100	49,5	37,9	1:0,77
2003	100	48,9	37,4	1:0,76
2004	100	48,7	37,2	1:0,76
2005	100	52,2	37,2	1:0,71
2006	100	52,0	37,9	1:0,73
2007	100	49,9	39,8	1:0,80
2008	100	48,0	44,2	1:0,92
2009	100	49,2	44,1	1:0,90
2010	100	43,2	49,0	1:1,13

Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, республика ЯИМ таркибида хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 2000 йилдаги 37,2 фоиздан 2010 йилда 49,0 фоизга етган, яъни 1,3 барабар ўсган. Натижада, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг ЯИМдаги улуши ўртасидаги нисбат 2000 йилдаги 1:0,74 дан 2010 йилда 1:1,13 даражага қадар ўзгарган.

¹⁸ Каримов И.А. Асосий вазиғамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. –Т.: Ўзбекистон, 2010. –Б.63.

¹⁹ Ўзбекистон Иқтисодиёти. Ахборот таҳлилий бюллетень 2009 йил ва Ўзбекистон Республикаси статистик ахборотномаси 2010 маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Шунингдек, 2010 йилда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида 13,4 фоиз ўсишга эришилган ва «истикболга мўлжалланган иқтисодий дастуримизда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини комплекс ва жадал ривожлантириш устувор йўналишга айланиши» кўзда тутилган²⁰.

Бу эса, мамлакатимиз иқтисодиёти таркибий тузилмасининг такомиллашиб бораётганлиги, хизмат кўрсатишнинг иқтисодиёт етакчи соҳасига айланаётганлигидан дарак беради. Бироқ, ривожланган мамлакатлар даражасига етиш учун ушбу нисбатни 1:1,5-2,5 даражага қадар ошириш зарур (3-жадвал).

3-жадвал

Жаҳон мамлакатларида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари ўртасидаги нисбат²¹ (2008 йил маълумоти)

Мамлакатларнинг жон бошига ЯММ ишлаб чиқариш бўйича гуруҳлари	Кўшилган қиймат, ЯИМга нисбатан %да			Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари ўртасидаги нисбат
	Қишлоқ хўжалиги	Саноат	Хизмат кўрсатиш	
Жаҳон бўйича	3	28	69	1:2,2
Юқори даромадли	1	26	73	1:2,7
Ўрта даромадли	10	37	53	1:1,1
Кам даромадли	25	29	46	1:0,9

3-жадвалдан кўриниб турибдики, хизмат кўрсатиш соҳаси моддий ишлаб чиқаришга нисбатан жаҳон миқёсида 2,2, ривожланган мамлакатларда 2,7 баробар устундир.

Ишда умумиқтисодий мутаносибликларнинг муҳим кўринишлари ҳисобланган ялпи ички маҳсулотдаги қоплаш фонди ва соф маҳсулот (яратилган миллий даромад) ўртасидаги нисбат; миллий даромаддаги жамғариш фонди ва истеъмол фонди ўртасидаги нисбат; иқтисодиётдаги товар ва хизматлар массаси билан пул массаси ўртасидаги мутаносибликнинг Ўзбекистон шароитида таъминланиши масалалари чуқур таҳлил қилинган.

Тармоқлараро мутаносибликларнинг зарурлиги қуйидагилар орқали ифодаланади:

- муайян тармоқда яратилган маҳсулотнинг бошқа тармоқ учун хомашё, ярим тайёр маҳсулот ёки бутловчи қисм бўлиб хизмат қилиши;
- тармоқ ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган асбоб-ускуна, жиҳозлар ва техника воситаларининг бошқа тармоқларда яратилиши;
- баъзи тармоқлар ишлаб чиқариш самарадорлигининг хизмат кўрсатиш тармоқлари фаолиятига боғлиқлиги;
- иқтисодиётнинг яхлит тизим сифатида фаолият кўрсатиши ва тараққий этишининг турли тармоқлар ривожланиши ўртасидаги оптимал нисбатга боғлиқлиги ва ҳ.к.

²⁰Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. –Т.: Ўзбекистон, 2011. –Б.31-32.

²¹ Selected World Development Indicators 2010 маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Турли мамлакатлар иқтисодиётидаги соҳа ва тармоқлар ўртасидаги мутаносибликлар бир-биридан фарқланиши мумкин. Бунда муайян мамлакатда мазкур турдаги мутаносибликнинг вужудга келишига таъсир этувчи қуйидаги омиллар муҳим ўрин тутди: ижтимоий-иқтисодий ривожланганлик даражаси; иқтисодий салоҳияти ва ундан фойдаланиш даражаси; табиий-географик жиҳатдан жойлашуви; ташқи иқтисодий фаолиятда иштирок этиш даражаси; халқаро меҳнат тақсимоотида тутган ўрни.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан тармоққа моддий-техника ресурсларини етказиб берувчи соҳаларнинг мутаносиб ривожланишига боғлиқ. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигидаги мулкӣ ислохотлар, жумладан, дастлаб жамоа ва давлат хўжаликларининг ширкат хўжаликларига, кейинчалик уларнинг фермер ва деҳқон хўжаликларига айлантирилиши тармоқнинг моддий-техника ресурсларига бўлган эҳтиёжининг миқдор ва сифат жиҳатидан кескин ўзгаришига олиб келди. Бироқ, саноатнинг моддий-техника ресурслари етказиб берувчи тармоқлари бундай ўзгаришларга тезлик билан мослаша олмади, бунинг оқибатида турли номутаносибликлар вужудга келди.

Бошқача қилиб айтганда, қишлоқ хўжалиги техникалар ва минерал ўғитлар билан таъминланиш даражаси замон талабидан орқада қолди. Шунинг учун ҳам, мамлакатимиз Президенти И.Каримов, «Чопиқ тракторларининг 55 фоиздан ортиғи ва ер ҳайдайдиган тракторларнинг 46 фоизи 15 йилдан ортиқ вақт мобайнида ишлатилаётгани, бошқача айтганда, улар белгиланган фойдаланиш муддатини аллақачон ўтаб бўлгани, қуввати, иш унуми ва ёқилғи истеъмол қилиш бўйича замонавий стандартларга жавоб бермайдиган эски техникалар экани ташвиш уйғотмасдан қолмайди»²², деб таъкидлаган.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, қишлоқ хўжалик техникалари ва маъданли ўғитлар керакли миқдорда етказиб берилмаслигининг асосий сабабларидан бири – уларни етказиб берувчи соҳаларда мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланмаслик оқибатидир. 2009 йилда ишлаб чиқариш қувватларидан йиллик ўртача фойдаланиши даражаси - тракторлар ишлаб чиқариш бўйича 22,8 фоиз, культиваторлар ишлаб чиқариш бўйича – 61,2 фоиз, сеялқалар ишлаб чиқариш бўйича – 23,2 фоиз, минерал ўғитлар ишлаб чиқариш бўйича – 85,1 фоизни ташкил этган²³. Ишлаб чиқаришнинг мавжуд қувватларидан фойдаланишнинг бундай даражаси билан ушбу воситаларга бўлган талабни қондириш мумкин эмаслиги тушунарли ҳолдир.

Айни пайтда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ўз вақтида сотилиши ва қўшимча даромад олинишини таъминлашнинг муҳим йўналиши – қишлоқ хўжалик маҳсулотларини саноат корхоналарида қайта ишлашни ривожлантириш ҳисобланади. Бу қуйидаги имкониятларни вужудга келтиради: қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ўз вақтида сотилиши; уларнинг омборларда туриб қолиб, сифатининг бузилиши ва исроф бўлишининг олдини

²² Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. –Т.: Ўзбекистон, 2011. –Б.28.

²³ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси 2010 йил 15 октябрдаги 01/2-05-05/5-190-сонли маълумотномаси.

олиш; маҳсулотларни омборларда сақлаш харажатларининг қисқариши; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига талабнинг ошиши натижасида нарх ҳамда тегишли равишда рентабелликнинг юқори даражасини таъминланиши; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг тайёр саноат маҳсулотига айланиши билан улардаги қўшилган қиймат ҳажмининг ошиши ва ҳ.к.

Маълумотлар шуни кўрсатадики, мамлакатдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарнинг аксарияти мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланмаяпти. Бу эса, ҳали қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи янги корхоналар барпо этмасдан, мавжуд қувватлардан тўлиқ ва самарали фойдаланишни амалга ошириш орқали ишлаб чиқариш ҳажмини сезиларли даражада ошириш имконияти мавжудлигини кўрсатади.

Иқтисодий мутаносибликлар тизими таркибида ишлаб чиқаришнинг ички мутаносибликлари муҳим ўрин тутати. Ишлаб чиқаришнинг ички мутаносибликлари – бу ишлаб чиқариш жараёнининг турли томонлари, таркибий қисмлари ва омиллари ўртасидаги миқдор ва сифат жиҳатларининг муайян нисбатлар орқали намоён бўлувчи маълум даражада мослигидир. Ишлаб чиқариш ичидаги мутаносибликлар ишлаб чиқариш жараёнининг бир маромда кечишини таъминлаб, ишлаб чиқариш самарадорлиги учун шарт-шароит яратади.

Ишлаб чиқариш жараёнининг турли томонлари ўртасидаги нисбатлар миқдор ва сифат кўрсаткичлари орқали аниқланади. Одатда, бундай кўрсаткичлар сифатида қуйидагилардан кенг фойдаланилади: корхона (унинг муайян бўлинмалари)да банд бўлган ишчилар сони; асбоб-ускуна, техник воситалар миқдори; асосий капитал миқдори; ишлаб чиқариш қувватлари ҳажми; ишлаб чиқарилаётган маҳсулот миқдори; кўрсатилаётган хизматлар ҳажми ва ҳ.к.


Шунга кўра, ишлаб чиқаришнинг ички мутаносиблигини таъминлашнинг асосий шакллари сифатида турли бўлим (цехлар)даги иш ўринлари ва ишловчиларнинг сони; турли бўлим ва цехлардаги асбоб-ускуналар миқдори; бевосита ишлаб чиқариш ва бошқарув ходимлари сони; турли бўлим ва цехлардаги маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўртасидаги мутаносибликларни келтириш мумкин.

Ишлаб чиқаришнинг ички мутаносибликларини ифодаланиш шаклларида яна бири – бу ишлаб чиқариш омилларининг бирикиши жараёнида улар ўртасидаги нисбатлар жиҳатидан ўзаро мувофиқликдир. Бундай мутаносибликлар ишлаб чиқаришнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда илмий, ташкилий ва амалий жиҳатдан таркиб топган ўзаро алоқа ва боғлиқликлар мажмуи ишлаб чиқариш технологиясида ифодаланади. Демак, технология ишлаб чиқаришнинг асосий омиллари ўртасидаги ўзаро таъсирни, шунингдек, фан ва амалиёт томонидан кашф этилган ҳамда ишлаб чиқариш воситаларининг механик, физик ва кимёвий хоссаларига асосланган инсоннинг меҳнат предметларига таъсири усуллари ифодалайди.

Умуман олганда, ишлаб чиқариш ички мутаносибликларини таъминлашнинг зарурлигини қуйидаги ҳолат ва жараёнлар орқали ифодалаш

мумкин: юқори иқтисодий самарадорликни таъминлаш; бўш туриб қолишлар, ишлаб чиқаришда «заиф жойлар» пайдо бўлишининг олдини олиш; корхонанинг ташкилий ва бошқарув тузилмаси такомиллашуви; тежамкорликни таъминлаш; маҳсулот ва хизматлар сифатини ошириш ва бошқалар.

Тадқиқот ишида ўз эътиборини ишлаб чиқариш ичидаги мутаносибликларнинг оқилона ва самарали таркиб топишини тақозо этувчи қуйидаги омилларга: меҳнат тақсимоти, ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви, кооперациялашуви, комбинациялашуви, уни диверсификациялаш, ишлаб чиқариш функциясига қаратган ва уларнинг мутаносибликка таъсирини очиб берган. Фикримизча, баъзи бир маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг тўлиқ технологик жараёнлари битта корхона доирасида, бошқа турдагилари эса бир неча корхоналарда амалга оширилиши мумкин. Агар маҳсулотнинг тўлиқ технологик жараёнлари битта корхона доирасида амалга оширилса, у ҳолда шу корхона фаолияти чегарасидаги мутаносибликнинг таъминланиши назарда тутилади. Мисол учун, автомобиль ишлаб чиқариш корхонасини 3 та таркибий қисмдан – асосий ишлаб чиқариш бўлинмалари (металл эритмалардан деталлар қуйиш цехлари, деталларни штамплash цехлари, автомобиль двигателлари ва бошқа қисмларини йиғиш цехлари ва ҳ.к.), ёрдамчи ишлаб чиқариш бўлинмалари (пардозлаш цехлари, бўяш цехлари, қўшимча ишлов бериш цехлари) ва турли хизматлар (хомашё ва материаллар, бутловчи қисмлар омборлари, тайёр маҳсулот омборлари, энергия таъминоти, лабораториялар, тажриба участкалари, техник назорат хизмати ва ҳ.к.)дан иборат бўлса, улар ўртасидаги мутаносибликнинг чизмадаги кўринишини қуйидагича ифодалаш мумкин (4-расм).



4-расм. Корхонанинг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бўлинмаларида мутаносибликни таъминлаш механизми²⁴

²⁴ Муаллиф томонидан тузилган.

Ишлаб чиқариш ичидаги мутаносибликлар муайян маҳсулот ишлаб чиқаришда иштирок этувчи корхона фаолияти доирасидан ташқарига чиқиши ҳам мумкин. Бу ўринда ишлаб чиқариш ичидаги мутаносибликни таъминлаш алоҳида, ташкилий-иқтисодий жиҳатдан мустақил корхоналар фаолиятининг ўзаро мувофиқлигини таъминлашни ҳам назарда тутди. Маҳсулот тайёрлаш технологик жараёнларининг айрим қисм ёки босқичлари алоҳида корхоналарда амалга оширилса, у ҳолда бир-бирига ўзаро бутловчи қисм ёки ярим тайёр маҳсулот етказиб берувчи корхоналар ёки уларнинг бўлинмалари ўртасидаги мутаносибликни ҳам таъминлаш муҳим ҳисобланади.

Худудлараро мутаносиблик – бу мамлакат худудлари иқтисодиётининг турли томонлари ва соҳалари ўртасида миқдор ва сифат жиҳатдан шаклланган муайян нисбатлардир.

Худудлараро мутаносиблик таъминланиши қатор нисбатларнинг мавжуд бўлишини тақозо этади. Масалан: 1) кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш турли фазаларининг узлуксизлигини таъминловчи нисбатлар; 2) ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнларининг меъёрга амалга ошишини таъминловчи соҳа ва тармоқларнинг мамлакат худудлари бўйича ривожланганлик нисбати; 3) ишлаб чиқариш инфратузилмаси (транспорт, автомобиль ва темир йўл хўжалиги, алоқа, ахборот-коммуникация тизими ва бошқалар)нинг нисбати; 4) ижтимоий инфратузилма объектлари (шифохоналар, поликлиникалар, амбулаториялар, санаторийлар, таълим муассасалари, дам олиш уйлари ва бошқалар)нинг нисбати ва ҳ.к.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, худудларнинг иқтисодий ривожланганлик жиҳатидан табақалашув даражаси билан мамлакат ялпи ички маҳсулотини ишлаб чиқариш суръатлари ўсиши ўртасида тесқари мутаносиблик мавжуд. Чунки, табақалашув даражасининг кучайиши:

- миллий иқтисодиётнинг яхлит иқтисодий организм сифатида амал қилиш самарадорлигини пасайтиради;

- худудлараро иқтисодий фаолият ва маҳсулот алмашувига тўсқинлик қилади;

- иқтисодий ресурслар, жумладан, ишчи кучидан фойдаланиш самарадорлигини пасайтиради;

- турли худудлардаги аҳоли даромадлари ва турмуш даражасининг кескин фарқланиши оқибатида ижтимоий-руҳий мувозанатга салбий таъсир кўрсатади ва ҳ.к.

Шунингдек, худудларнинг табақаланиши турли соҳа ва тармоқларда бир-биридан фарқланади. Бундай табақаланиш миллий иқтисодиётдаги ишлаб чиқариш ихтисослашуви жараёнлари таъсирида узоқ йиллар давомида амал қилиб келган анъанавий тармоқ ва соҳаларда у қадар кучли бўлмайди. Аксинча, фан-техника тараққиёти, жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашув ва глобаллашув жараёнлари таъсирида жадал тарзда шаклланиб ва ривожланиб боровчи соҳа ва тармоқлар бўйича худудларнинг табақаланиши сезиларли даражада рўй беради. Бу фикрни Ўзбекистон вилоятларининг ялпи худудий маҳсулот, саноат, қишлоқ хўжалиги ва экспорт ҳажми бўйича табақаланиш даражаси ҳам тасдиқлайди.

Иқтисодиёт эркинлашуви шароитида вилоятларнинг ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича табақаланиш даражаси кучайиб бормоқда. Республика учун анъанавий тармоқ ҳисобланувчи қишлоқ хўжалигида эса, бу кўрсаткичнинг нисбатан барқарорлиги кузатилади. Мустақилликка эришилгандан сўнг иқтисодий сиёсатнинг муҳим йўналишларидан бири бўлган саноат тармоқларини жадал суръатларда ривожлантириш ҳамда бунинг натижасида, экспорт салоҳиятининг ошиши ҳудудлараро табақаланиш даражасининг жиддий ўзгаришига олиб келди. Маълумотлар кўрсатишича, республикада минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида фарқланиш даражаси (индекс бўйича аҳоли жон бошига) 2000 йилда 3,4 бараварни ташкил этган бўлса, 2009 йилга келиб бу кўрсаткич 5,0 бараварни ташкил этган²⁵.

Ҳудудлараро номутаносибликларнинг кучайиши қуйидаги салбий жараёнларнинг вужудга келиши ва кенгайишига таъсир кўрсатади:

- турли ҳудудларда яшовчи аҳолининг турмуш даражасидаги тафовутларнинг кучайиб бориши;

- мамлакат аҳолисининг турмуш даражаси паст ҳудудлардан турмуш даражаси юқори бўлган ҳудудларга кўчиб ўтиши, яъни ички миграциянинг кучайиши;

- аҳоли турли қатламлари даромадларининг табақаланиши кучайиб, давлат ижтимоий сиёсатининг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатиши;

- иқтисодий жиҳатдан турли даражада бўлган ҳудудлар ўртасида маҳсулот, хизмат ва фаолият алмашинувида ноэквивалент айирбошлашнинг содир бўлиши;

- айрим ҳудудларнинг етарли даражада ривожлана олмай, давлат томонидан берилувчи дотация ва субвенцияларга муҳтожлигининг ошиши.

Таъкидлаш лозимки, иқтисодий мувозанатлик ва мутаносиблик доимий амал қилмай, маълум вақт мобайнида турли омиллар таъсирида ўзгариб туради. Бу омиллар ўз мазмуни ҳамда таркибига кўра мувозанатлик ва мутаносибликларни тақозо этувчи омиллардан фарқ қилади.

Умумиқтисодий мувозанатлик ўзгаришини тадқиқ этишда дастлаб ялпи талаб ва ялпи таклифнинг ҳажмига таъсир кўрсатувчи омиллар кўзда тутилиб, уларни нархлар даражасининг ўзгариши билан боғлиқ ҳамда нархлар даражасининг ўзгаришидан ташқари омилларга ажратиш мумкин. Нархлар даражасининг ўзгариши билан боғлиқ омиллар таркибига фоииз ставкаси самараси, бойлик (реал касса қолдиқлари) самараси, импорт товарлар хариди самараси киритилса, нархлар даражасининг ўзгаришидан ташқари омиллар таркибига истеъмол сарфларидаги ўзгаришлар (истеъмолчи фаровонлиги, истеъмолчининг кутиши, истеъмолчининг қарзлари, солиқлар ўзгариши), инвестицион сарфлардаги ўзгаришлар (фоиз ставкалари, инвестициялардан кутиладиган фойда, солиқлар, технология, ортиқча қувватлар), давлат сарфлари, соф экспортдаги ўзгариш, валюта курслари ўзгаришини киритиш мумкин.

²⁵ Ўзбекистон иқтисодиёти //Ахборот таҳлилий бюллетень 2009 йил. Иқтисодий тадқиқотлар маркази, 2010. – Б.64.

Ўзбекистонда тижорат банклари кредитлари ўртача йиллик фоиз ставкаси пасайиб боришининг кредитлар ҳажмига таъсири, даромад солиғи ставкаси пасайишининг асосий капиталга инвестициялар ҳажмига таъсири, пахта толаси ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси ошиши натижасида пахта хомашёсига бўлган талабнинг ортиши орқали таҳлил қилиниб, тегишли хулосалар чиқарилган.

Шунингдек, ялпи таклиф ҳажмининг ўзгаришига таъсир кўрсатувчи омилларни ҳам нархлар умумий даражасининг ўзгариши билан боғлиқ омиллар (бозор нархлари даражаси билан ижтимоий қиймат миқдори ўртасидаги нисбатнинг ўзгариши) ҳамда нархлар умумий даражасининг ўзгаришидан ташқари омиллар (масалан, ресурслар нархининг ўзгаришига таъсир кўрсатувчи омиллар, бозордаги ҳукмронлик даражасининг ўзгариши, самарадорликнинг ўзгариши, ҳуқуқий меъёрларнинг ўзгариши)га ажратган ҳолда ўрганилган.

Мувозанатлик билан бир қаторда иқтисодий мутаносибликлар ҳам ўзгариб туради. Чунки, ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги ўзгаришлар ҳодиса ва жараёнларнинг мазмунидаги сифат ва миқдор кўрсаткичларнинг ўзгариши орқали намоён бўлади. Иқтисодий мутаносибликларнинг ўзгаришига таъсир кўрсатувчи энг муҳим ва умумий омиллар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: 1) фан-техника тараққиёти ютуқларининг ишлаб чиқариш жараёнига жорий этилиши; 2) илғор замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиш; 3) иқтисодий ресурслардан самарали ва тежамли фойдаланиш даражасининг ўсиши; 4) ишчи кучи малакасининг ошиши натижасида меҳнат унумдорлигининг ўсиши ва ҳ.к.

Ишда мувозанатлик ва мутаносибликни таъминлашнинг бозор механизмларини тадқиқ этишда энг аввало, қисман мувозанатликнинг типик кўриниши бўлган алоҳида товарлар бозори механизмининг амал қилиши ўрганилган. Мувозанатлик ва мутаносибликни таъминлаш бозор механизмлари амал қилишининг асосий сабаби айнан шундай ҳолатда иқтисодий субъектлар аксарият қисмининг иқтисодий манфаатлари рўёбга чиқиши ҳисобланиши таъкидланган.

Умумий иқтисодий мувозанатни таъминлашнинг бозор механизмлари алоҳида олинган бозор мувозанатини таъминлаш механизмлари билан мазмунан бир хил бўлсада, бироқ амал қилиш ва таъсир доираси кўлами жиҳатидан фарқланади.

Иқтисодчи-олим О.Ҳамроев табиат, жамият ва иқтисодиётда рўй берадиган барча воқеа ва ҳодисалар ўзларининг мавжудлик ва яшаш шакли бўлган мувозанатликка «интилиш-яқинлашиш-тенглашиш» томон ҳаракат қилиш тенденциясига эғалигини таъкидлаб, бунинг сабабини иқтисодий мувозанатлик қонунининг амал қилиши билан изоҳлайди. У иқтисодий мувозанатлик қонунини реализация қилишнинг бозор механизми иқтисодий дастаклари қаторига ялпи талаб ва ялпи таклиф, рақобат, фоиз ставкаси, бозор нархи ва банкротликни киритади²⁶. Тадқиқот ишида ушбу механизмнинг амал қилиш

²⁶ Ҳамроев О.Ҳ. Иқтисодий мувозанат ва уни таъминлаш механизмлари. – Т.: ТДИУ, 2004. - Б.51

тамойилларини таҳлил қилиниб, уни янада такомиллаштириш юзасидан қуйидаги илмий таклифлар илгари сурилади:

- иқтисодий мувозанатликни таъминлаш бозор механизми дастаклари сифатида ялпи талаб ва ялпи таклифни эмас, балки умумий бозор талаби ва таклифини кўрсатиш.

- фоиз ставкаси билан бир қаторда иш ҳақи, рента, нарх даражаси каби тартибга солувчи дастакларнинг бозор нархи таркибида кўрсатиш.

- банкротликни бозор механизмидан кўра кўпроқ давлат механизми дастаги сифатида ифодалаш.

Ушбу фикр-мулоҳазаларга асосланган ҳолда, тадқиқотда иқтисодий мувозанатликни таъминлашда бозор механизмларининг нисбатан тўлиқ ва аниқлаштирилган таркиби тавсия этилган.

Реал ҳаётда иқтисодий мувозанат ва мутаносибликни таъминлашнинг фақат бозор механизмларидан фойдаланишнинг ўзи кифоя қилмайди. Ўз аниқлиги ва катта самарадорликка эгаллигига қарамай, бозор механизми дастакларининг амал қилишида маълум камчиликлар вужудга келади.


Бозор ҳўжалиги тизимида миллий иқтисодиётнинг мутаносибли, мувозанатли ривожланишини таъминлаш муаммоси бозор механизми, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш механизми ва умумиқтисодий тавсифдаги чора-тадбирлар мажмуасидан иборат яхлит механизм ёрдамида ҳал этилади. Мазкур механизмлар нисбатан мустақил бўлсада, бир-бирини тақозо этади, тўлдиради ва ўзаро боғлиқдир.

Мувозанатлик ва мутаносибликни таъминлаш давлат механизмининг моҳиятини кўриб чиқишда бозордаги бир зумлик, қисқа муддатли ва узоқ муддатли мувозанат ҳолатларини фарқлаш зарур. Чунки, бундай фарқланиш уларни таъминлашда давлатнинг иқтисодий сиёсати ва мувозанатни таъминлаш усулларининг турли хиллигини тақозо этади.

Миллий иқтисодиётнинг умумий мувозанатини таъминлашда ялпи талаб ва ялпи таклифнинг тенглигига хусусий мувозанатларни таъминламасдан эришиб бўлмаслиги; иқтисодий мувозанатга эришиш учун иқтисодиётнинг турли соҳалари ва таркибий қисмлари ўртасидаги мутаносибликларни таъминлаш зарурлиги; иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тармоқ ичидаги ва тармоқлараро мутаносибликлар долзарб аҳамият касб этиб, бу борада муайян тармоқ ва ҳудудлар бўйича мувозанатни тақозо этувчи жиҳатларни аниқлаш ва уларни таъминлашга қаратилган дастурларни ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланиши асослаб берилган. Ушбу тармоқ ва ҳудуд дастурларини мувофиқлаштириш ҳамда умумлаштириш асосида республикада иқтисодиётнинг мувозанатли ва мутаносибли ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари мажмуини ифодаловчи комплекс дастурни ишлаб чиқиш тавсия этилган.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг зарурлиги иқтисодий мувозанат ва мутаносибликни таъминлаш жараёнлари соҳаларини янада кенгайтиради. Ишда иқтисодий мувозанат ва мутаносибликни таъминлашнинг бозор механизми дастакларига қўшимча равишда давлат механизми ҳамда

корпоратив тадбирлар мажмуининг иқтисодий дастаклари ҳам киритилиб, уларнинг ягона механизм сифатидаги таркиби тавсия этилган (5-расм).



5-расм. Иқтисодий мувозанатлик ва мутаносибликни таъминлашнинг турли механизмлари²⁷

Иқтисодиётни мувозанатли ва мутаносиб ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш иқтисодий фаннинг долзарб муаммоларидан

²⁷ Муаллиф томонидан қуйидаги манба асосида тузилган: Ҳамроев О.Ҳ. Иқтисодий мувозанат ва уни таъминлаш механизмлари. –Т.: ТДИУ, 2004. –Б.51-52.

ҳисобланади. Шунга кўра, ишда иқтисодий ўсишнинг кўплаб моделлари, хусусан, Кобб-Дуглас модели, Я.Тинбергеннинг ишлаб чиқариш функцияси, Харрод-Домарнинг иқтисодий ўсиш моделларининг мазмуни баён этилиб, мувозанатлик ва мутаносибликнинг иқтисодий ўсишга таъсири бўйича маълум хулосалар ишлаб чиқилган.

Ишда мувозанатлик ва мутаносибликнинг иқтисодий ўсишга таъсирини баҳолашдаги муҳим йўналишлар сифатида истеъмол, жамғариш ва инвестиция ҳажмлари ўртасидаги оқилона нисбатларнинг таъминланиши, ишчи кучи ресурслари ва улардан фойдаланиш борасидаги мутаносибликнинг таъминланиши, фан-техника тараққиёти ютуқларидан фойдаланиш, мавжуд ресурслар тақсимотини яхшилаш, ишлаб чиқарувчи кучларни самарали жойлаштириш масалаларига эътибор қаратилган.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳар қандай иқтисодий тизимнинг асосий мақсадларидан бири ҳисобланади. Айниқса, глобаллашув жараёнлари кенгайиб, жаҳон бозорида рақобат кучайиб бораётган ҳозирги шароитда иқтисодий самарадорликни ошириш масаласи янада долзарб аҳамият касб этмоқда.

Бутун иқтисодиёт миқёсида иқтисодий самарадорликнинг асосий кўрсаткичларидан бири бўлган меҳнат унумдорлиги ўртача даражасининг ўсишига эришиш учун куйидаги жиҳатлар бўйича ҳар бир тармоқ ва ҳудуд ичидаги, шунингдек, тармоқ ва ҳудудлараро мутаносибликларнинг таъминланиши зарур бўлади:

- ишчи кучи билими, малакаси ва сифатининг муайян касб, лавозим ва иш ўрни бўйича талаб қилинаётган кўрсаткичларга мувофиқлиги;
- меҳнат жараёнларининг тегишли замонавий техника ва технология воситалари билан таъминланганлиги;
- меҳнат тақсимоти, ихтисослашув ва кооперациялашув даражасининг мақбуллиги ва мақсадга мувофиқлиги;
- иқтисодий ресурслардан оқилона ҳамда тежамли фойдаланиш даражаси ва ҳ.к.

Диссертацияда иқтисодий номутаносибликларнинг ишлаб чиқариш натижаларига салбий таъсири (яъни, маҳсулот ҳажмининг пасайиши, турли кўринишдаги йўқотишларнинг рўй бериши) республикадаги пахта хомашёсини етиштириш ҳамда уни саноат корхоналарида турли даражада қайта ишлаш жараёнлари ўртасидаги номутаносиблик орқали таҳлил қилинган.

Пахта хомашёси етиштириш ва уни қайта ишлаш бўйича тахминий нисбат ўртача 1:0,3-0,35 ни ташкил этади. Ҳолбуки, пахта хомашёсининг сифатини яхшилаш ва уни қайта ишлаш технологиясини такомиллаштириш орқали бу кўрсаткичларни сезиларли даражада ошириш мумкин бўлиб, ҳозирги пайтда бу борада ҳукуматимиз томонидан тармоқни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва модернизациялаш ишлари олиб борилмоқда. Кейинги йилларда пахта толасини мамлакатимизда қайта ишлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Пахта толасининг сезиларли қисми енгил саноат корхоналарида қайта ишлашга йўналтирилиши натижасида унинг экспортдаги солиштирма салмоғи йилдан-йилга пасайиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаб ўтганларидек, «Тўқимачилик саноатида экспортбоп рақобатдош маҳсулотлар тайёрлашга йўналтирилган, якуний ишлаб чиқариш шаклига эга бўлган янги, замонавий тўқимачилик комплексларини ривожлантириш устувор аҳамият касб этиши зарур»²⁸, деган эдилар. Бу эса, пахта толасини ўзимизда қайта ишлаш ҳажмини 2 баробардан кўпроққа, калава ишлаб чиқаришни 2,6 баробар, тайёр трикотаж ва тикувчилик буюмларини 3 баробар²⁹ ошириш имконини беради.

Статистик маълумотлар шуни кўрсатадики, мамлакатимизда пахта толасини қайта ишлаб, ундан турли даражадаги тайёр маҳсулотлар олиш ҳажми ошиб бораётган бўлсада, мавжуд имкониятлардан етарлича фойдаланилмоқда, деб бўлмайди. Буни биргина пахта толаси ва ундан ишлаб чиқарилган ип-калава маҳсулоти ўртасидаги нисбатдан ҳам кузатиш мумкин (4-жадвал).

4-жадвал

Ўзбекистонда тайёрланган пахта толаси ва ундан ишлаб чиқарилган ип-калава маҳсулоти ўртасидаги нисбат³⁰

Йиллар	Пахта толаси, минг тонна	Газлама тўқийдиган ип-калава		
		миқдори, минг тонна	пахта толаси ҳажмидаги улуши, %	пахта толаси билан ип-калава ўртасидаги нисбат
2000	1013,6	135,1	13,3	1:0,13
2001	1015,0	149,5	14,7	1:0,15
2002	1000,6	168,1	16,8	1:0,17
2003	943,9	168,6	17,9	1:0,18
2004	977,0	171,4	17,5	1:0,18
2005	1184,2	170,8	14,4	1:0,14
2006	1171,2	164,6	14,1	1:0,14
2007	1124,8	179,6	16,0	1:0,16
2008	1174,0	167,5	14,3	1:0,14
2009	1049,5	173,9	16,6	1:0,17
2010	1125,4	246,3	21,9	1:0,22

4-жадвалдаги рақамлар таҳлили шуни кўрсатадики, кейинги йилларда пахта толасидан ип-калава ишлаб чиқариш жонланиб, 2010 йилда унинг салмоғи 21,9 фоизни ташкил қилган ҳамда пахта толаси билан ип-калава ишлаб чиқариш ўртасидаги нисбатнинг 1:0,22 га етганлигини кўришимиз мумкин. Бизга маълум бўлишича, 1 кг пахта толасидан 0,85 кг га қадар ип-калава ишлаб чиқарилиши мумкинлиги эътиборга олинса, пахта толаси ва ундан ишлаб чиқарилган ип-калава маҳсулоти ўртасидаги нисбат 1:0,85 га қадар етиши мумкин.

Мамлакатда пахта хомашёсини етиштириш ҳамда уни саноат корхоналарида турли даражада қайта ишлаш жараёнлари ўртасидаги

²⁸ Каримов И. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. –Т.: Ўзбекистон, 2011. –Б.23.

²⁹ Каримов И. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. –Т.: Ўзбекистон, 2011. –Б.24.

³⁰ Муаллиф томонидан тузилган. Манба: Ўзбекистоннинг йиллик статистик тўплами. – Т., 2009.; Ўзбекистон Республикасининг статистик ахбортомаси 2009, 2010.

мутаносибликни таъминлаш миллий даромаднинг сезиларли равишда ошишига олиб келиши мумкин. Чунки, миллий саноат корхоналарида пахта хомашёсини чуқур қайта ишлаш натижасида қўшилган қийматнинг салмоқли даражада ошиб бориши пировардида тармоқда ва бинобарин, мамлакатдаги ялпи миллий даромаднинг ўсишига таъсир кўрсатади.

«Бурсел Тошкент Текстил» кўшма корхонаси фаолиятига оид маълумотларга кўра³¹, пахта толасини қайта ишлаш орқали олинадиган маҳсулотлар (жумладан, 1 кг пахта толасидан 0,85 кг ип-калава, ёки 0,82 кг трикотаж мато, ёки 5 дона футболка ишлаб чиқариш мумкин)нинг тайёрлик даражаси ортиб бориши билан уни ишлаб чиқаришда яратилган қўшилган қиймат миқдори сезиларли даражада ўсиб боради. Агар 1 кг пахта толасининг жаҳон бозоридаги ўртача нархи (2007 йилда) 1,2 АҚШ долл.га тенг бўлса, 1 кг пахта толасидан олиш мумкин бўлган ип-калаванинг (0,85 кг) нархи 2 долл.га, трикотаж матонинг (0,82 кг) нархи 2,2 долл.га, футболканинг (донаси 2,5 долл.) нархи 12,5 долларга тенг бўлади. Агар пахта толасининг нархи ошса, шунга мос равишда ундан тайёрланадиган кейинги босқичдаги маҳсулотлар нархи ва олинадиган даромадлар ҳам ошиб боради.

Ушбу маълумотлардан мамлакатимизда пахта толасини ишлаб чиқариш ва уни қайта ишлаш соҳалари ўртасидаги оптимал мутаносибликка эришмаслик оқибатида вужудга келаётган тахминий йўқотишларни таҳлил қилиш мумкин. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, агар пахта толаси ва ундан ишлаб чиқарилган ип-калава маҳсулоти ўртасидаги нисбат 1:0,35 га етказилган тақдирда, 2009 йилда тармоқда олиниши мумкин бўлган даромад миқдори 347,8 млн. долл.га, пахта толаси ва ундан ишлаб чиқарилувчи трикотаж буюмлари ўртасидаги нисбатни 1:0,3 даражага етказилган тақдирда, тармоқда ишлаб чиқариладиган трикотаж буюмлари сони 1274,2 млн. донага етиб (амалдагидан 37,5 баравар кўп), даромад миқдори қўшимча равишда 3175,5 млн. долл.га ортган бўлар эди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва хомашё ресурсларини етказиб бериш ҳамда уларни саноатда чуқур қайта ишлаш тармоқлари ўртасидаги номутаносиблик оқибатида бундай катта йўқотишлар мавжудлиги иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатларига салбий таъсир кўрсатиши муқаррардир. Шунга кўра, бундай ҳолатларга барҳам бериш мақсадида Президентимиз томонидан «...биринчи навбатда енгил, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноатида пахта толаси, бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш бўйича ишлаб чиқаришни, қурилиш материаллари саноатини янада ривожлантириш, сифатли ва барқарор талабга эга бўлган тайёр маҳсулотлар тайёрлайдиган корхоналар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиш даркор»³², деб белгилаб берилди.

Ҳозирги глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида миллий иқтисодиёт самарадорлигини таъминлашда ички талабни рағбатлантириш муҳим йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади. Чунки, глобал даражадаги

³¹ «Ўзбекенгилсаноат» ДАК маълумотлари. – Манба: <http://www.legprom.uz>.


³² Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. –Т.: Ўзбекистон, 2010. –Б.60.

ялпи талабнинг қисқариши ҳам ташқи, ҳам ички бозорлардаги мувозанатнинг бузилишига олиб келмоқда. Шунга кўра, Ўзбекистоннинг Инқирозга қарши чоралар дастурида асосий йўналишлардан бири – бу маҳсулотларга ташқи талаб қисқараётган бир шароитда ички талабни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборат.

Ўзбекистонда ички талабни қўллаб-қувватлаш орқали мувозанат ва мутаносибликни таъминлашнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин: маҳаллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш; уларни имтиёзли кредитлар ажратиш орқали қўллаб-қувватлаш; экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарга бюджет-солиқ имтиёзлари бериш; экспорт салоҳиятини ривожлантириш ҳамда маҳаллий маҳсулотларни ташқи бозорларга олиб чиқишга кўмаклашиш; маҳаллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулотига бўлган ички талабни рағбатлантириш.

Ички талабни рағбатлантиришда аҳолининг ялпи ва реал даромадларини ошириш, унинг харид қобилиятини барқарор суръатда ўстиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Маълумотларга кўра, 2009 йилда 2000 йилга нисбатан ўртача иш ҳақи 28,5 баробар, пенсияларнинг ўртача миқдори қарийб 18 баробар, аҳоли жон бошига нисбатан пул даромадлари 12 баробар ошган. «Бундай шароитда аҳолининг ўсиб бораётган тўлов қобилияти билан мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган истеъмол товарлари ҳажми ўртасида ички бозорда мутаносибликни таъминлаш, бундай маҳсулотлар турини кенгайтириш, бозорларимизни улар билан ишончли тарзда тўлдириб бориш алоҳида аҳамият касб этади»³³.

Ҳозирги шароитда иқтисодиётни ҳар томонлама ривожлантириш ҳамда барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш мавжуд ресурслардан оқилона ва тежамли фойдаланишни тақозо этади. Бу ўз навбатида иқтисодиётнинг мувозанатли ва мутаносиб ривожланишининг хўжалик юритувчи субъектлар олдида қўядиган асосий талабдир (6-расм).



6-расм. Иқтисодий мувозанат ва мутаносибликнинг тежамкорлик билан боғлиқлиги³⁴

Расмдан кўринадики, иқтисодиётдаги мувозанатлик ва мутаносибликнинг тежамкорлик билан ўзаро боғлиқлиги икки томонлама йўналишга эга. Биринчиси, мақсад сифатидаги тежамкорлик, яъни иқтисодиётнинг турли

³³ Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. –Т.: Ўзбекистон, 2010. –Б.25.

³⁴ Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

даражаларидаги мувозанатлик ва мутаносибликнинг ўзини таъминлаш учун ҳам энг аввало, тежамкорлик тақозо этилади. Иккинчи йўналиш – натижа сифатидаги тежамкорлик, яъни иқтисодиётнинг турли даражаларидаги мувозанатлик ва мутаносибликнинг ўрнатилиши пировардида тежамкорликнинг кучайишига олиб келади.

Масалан, бугунги кунда давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi оқибатида дунё бўйича ишсизлик даражасининг кескин равишда ошиб кетиши ишчи кучи бозоридаги мувозанатни таъминлашда давлатнинг тартибга солиш функциясида фойдаланишни қатъий талабга айлантирди. Агар, ишчи кучи бозорида мувозанат таъминланмас экан, у ҳолда ишчи кучидан тежамли фойдаланиш тўғрисида умуман сўз бўлиши мумкин эмас. Айниқса, ишчи кучидан тежамли фойдаланишда иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқларида белгиланган илмий меъёрларга мувофиқлик муҳим ўрин тутди.

Таҳлиллар кўрсатишича, ҳозирда қишлоқ хўжалигида мавжуд бўлган ишчи кучи белгиланган илмий меъёрлардан бир неча марта юқори бўлмоқда (5-жадвал).

5-жадвал


Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида банд бўлган ишчи кучи сони билан илмий асосланган меъёрлар ўртасидаги номуаносиблик³⁵

Йил-лар	1 га ер майдонига белгиланган ишчи кучи сони	Экин майдони, минг га	Меъёр бўйича зарур бўлган ишчи кучи сони, минг киши	Амалда бандлар сони, минг киши	Меъёрдан ортиқча ишчи кучи сони, минг киши	Ишчи кучи сонининг меъёрдан ортиб кетиши, марта
2000	0,38	3778,3	1436	3093	1657	2,15
2001	0,38	3444,5	1309	3062	2053	2,34
2002	0,38	3540,8	1346	3046	1700	2,26
2003	0,38	3790,1	1440	3063	1623	2,13
2004	0,38	3695,7	1404	3043	1639	2,17
2005	0,38	3647,5	1386	2967	1581	2,14
2006	0,38	3637,4	1382	2936	1554	2,12
2007	0,38	3560,3	1353	2998	1645	2,22
2008	0,38	3609,3	1372	3037	1665	2,21
2009	0,38	3608,5	1371	3030	1659	2,21

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, агар ушбу ортиқчалик 2000 йилда 2,15 мартани ташкил этган бўлса, 2009 йилга келиб 2,21 мартага етган.

Фикримизча, бозор муносабатларини шакллантириш шароитида дастлабки паллада тежамли хўжалик юритиш механизмларининг давлат томонидан шакллантирилиши, тартибга солиниши ва рағбатлантириб турилиши мақсадга мувофиқдир. Чунки, тежамкорликнинг объектив иқтисодий муносабат сифатидаги табиий шаклланиши ва амал қилиш жараёни узок муддатни тақозо этиб, бу даврда жуда кўплаб табиий ресурс ва моддий бойликлар хўжасизларча ишлатилиши натижасида беҳуда сарф бўлиб кетиши мумкин.

³⁵ Жадвал муаллиф томонидан тузилган. Манба: Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами 2008 /Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. – Т., 2009.; Ўзбекистон Республикасининг статистик ахбортомаси 2009, 2010.



7-расм. Иқтисодий ресурслардан тежамли фойдаланишда мувозанатли ва мутаносибли ривожланишни таъминлаш алгоритми

Шунга кўра, бозор муносабатлари ривожланишининг ҳозирги даврида иқтисодий ресурслардан тежамли фойдаланишни таъминлашнинг мувозанатли ва мутаносибли ривожланиш механизмини ишлаб чиқиш ва уни давлат томонидан тартибга солиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Иқтисодий ресурслардан тежамли фойдаланишни таъминлашнинг мувозанатли ва мутаносибли ривожланиш механизмини ишлаб чиқиш ва уни давлат томонидан тартибга солиш жараёни ташкил этишда қуйидаги таъминлаш амал қилиш тавсия этилади:

- иқтисодий ресурслардан тежамли фойдаланишда мувозанатли ва мутаносибли ривожланишни таъминлашнинг бутун иқтисодиёт, яъни унинг барча соҳа ва тармоқлари бўйича яхлит жараён сифатида амал қилиши;

- мазкур жараёни ҳам ҳудуд, ҳам тармоқ кесимида ташкил этиш ва бунда ҳудудий жиҳатдан ёндашув бирламчи тартибда амалга оширилиши;

- иқтисодий мувозанатлик ва мутаносибликни таъминлаш иқтисодий ресурсларнинг турли сифат ва миқдор кўрсаткичлари бўйича амалга оширилиши зарур.

Тадқиқот ишида иқтисодий ресурслардан тежамли фойдаланишни таъминлашнинг мувозанатли ва мутаносибли ривожланиш механизмини йўлга қўйишнинг изчил кетма-кетлигини ифодаловчи махсус тартиб (алгоритм) ишлаб чиқилган ва тавсия этилган (7-расм).

Расмдан кўринадик, иқтисодий ресурслардан тежамли фойдаланишни таъминлашнинг мувозанатли ва мутаносибли ривожланиш механизми уч блокдан иборат бўлади:

1-блок – иқтисодий ресурслардан тежамли фойдаланишни таъминлашнинг махсус кўрсаткич ва илмий меъёрларини ишлаб чиқиш;

2-блок – мавжуд иқтисодий ресурслар сарфининг ўрнатилган оптимал илмий меъёрларга мослигини аниқлаш;

3-блок – тежамкорликни рағбатлантирувчи иқтисодий мувозанат ва мутаносибликларни доимий равишда таъминлаб туриш.

Ушбу иқтисодий ресурслардан тежамли фойдаланишни таъминлашнинг мувозанатли ва мутаносибли ривожланиш механизмининг амал қилиши иқтисодиётимизда самарадорликни ортишига ва барқарор ривожланишга олиб келади.

ХУЛОСА

Мамлакатни модернизациялаш жараёнида иқтисодиётни мувозанатли ва мутаносибли ривожлантириш йўналишларини тадқиқ этиш асосида қуйидаги илмий **хулосалар** олинди:

1. Ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг бир маромда кечишида мувозанатлик ҳамда уни таъминлашнинг асосий шарти бўлган турли даража ва кўринишдаги мутаносибликлар муҳим роль ўйнайди. Иқтисодиётда мувозанатлик ва мутаносиблик таъминланмай туриб, уни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириб бўлмайди. Инқирозга қарши чоралар дастури амалга оширилаётган шароитда иқтисодиётда салбий ҳодисалар келиб чиқишининг олдини олишнинг муҳим йўли – иқтисодиётнинг турли даражасидаги мувозанат ва мутаносибликни таъминлаш ҳисобланади.

2. Иқтисодий мувозанатни таъминлаш кўп жиҳатдан унинг амал қилиш тамойиллари ва намоён бўлиш шаклларига боғлиқ. Агар иқтисодий мувозанатнинг амал қилиш тамойилларини билиш, риоя этиш унинг барқарорлиги ва самарадорлигини оширсан, мувозанатнинг намоён бўлиш шаклларини ўрганиш эса, иқтисодиётнинг турли даражасидаги мувозанатни таъминлашнинг ўзига хос хусусиятлари, йўллари, шарт-шароитлари ва усулларини аниқлаш ҳамда уни давлат томонидан тартибга солиш усул ва воситаларини ишлаб чиқиш имконини беради.

3. Узоқ йиллар давомида миллий иқтисодиётнинг таркиби асосан моддий ишлаб чиқариш ва номоддий ишлаб чиқариш соҳаларига ажратиб ўрганилиб келинди. Қиймат фақат ишлаб чиқариш соҳасида яратилади деб қаралган, хизмат кўрсатиш соҳасининг аҳамияти етарлича эътироф этилмади. Бу эса, кўпгина мамлакатларда моддий ишлаб чиқаришга устуворлик берилиб, хизмат кўрсатиш соҳасининг эътибордан четда қолиши ҳамда иқтисодиётнинг бир томонлама ривожланишига олиб келди.

4. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ўз вақтида сотилиши ва қўшимча даромад олинишини таъминлашнинг муҳим йўналиши – қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини саноат корхоналарида қайта ишлашни ривожлантириш ҳисобланади. Ўзбекистонда яратилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш даражаси паст бўлиб, уни ривожлантириш ўта долзарб бўлиб турган пайтда корхоналарнинг аксарияти ишлаб чиқариш қувватларининг ярмидан ҳам фойдаланаётганлари йўқ. Бу эса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи янги корхоналар барпо этмай, мавжуд қувватлардан тўлиқ ва самарали фойдаланишни йўлга қўйиш орқали ишлаб чиқариш ҳажмини сезиларли даражада ошириш имконияти мавжудлигини кўрсатади.

5. Ишлаб чиқариш ичидаги мутаносибликларнинг оқилона ва оптимал равишда таркиб топишига меҳнат тақсимооти, ихтисослашув, кооперациялашув, комбинациялашув, диверсификациялаш, ишлаб чиқариш функцияси каби омиллар таъсир кўрсатади.

6. Худудлараро мутаносибликнинг бузилиши улар ўртасидаги иқтисодий табақалашувнинг вужудга келиши ва кучайишига олиб келади. Бу эса, худудлар иқтисодий ривожланишининг табақалашув даражаси ва мамлакат ялпи ички маҳсулоти ишлаб чиқариш ўсиш суръатлари ўртасидаги номутаносиблик мамлакатнинг умумий ижтимоий-иқтисодий ривожланишига салбий таъсир кўрсатади.

7. Иқтисодий мувозанат ва мутаносиблик таъминланишининг бозор механизмларининг мустақил фаолияти назарий жиҳатдан эътироф этилсада, реал ҳаётда уларнинг самарали амал қилишини давлат механизмнинг иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди. Давлат томонидан иқтисодий мувозанат ва мутаносибликни таъминлашда номувозанатлик ҳолатларининг сабаби, даражасини фарқлаш зарур. Чунки, бундай фарқлаш уларни таъминлашда давлатнинг тегишли иқтисодий сиёсати ва мос дастакларидан самарали фойдаланиш стратегиясини ишлаб чиқиш имконини яратади.

8. Тежамкорликнинг объектив иқтисодий муносабат сифатидаги табиий шаклланиш ва амал қилиш жараёни узоқ муддат тақозо этилиб, бу даврда жуда кўплаб табиий ресурс ва моддий бойликлар хўжасизларча ишлатилиши натижасида беҳуда сарф бўлиб кетиши мумкинлиги сабабли, бозор муносабатларини шакллантириш шароитида дастлабки палласида тежамли хўжалик юритиш механизмларининг давлат томонидан шакллантирилиши, тартибга солиниши ва рағбатлантириб турилиши мақсадга мувофиқ.

Диссертация ишида иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида миллий хўжаликни мувозанатли ва мутаносиб ривожлантиришнинг концептуал

асосларини такомиллаштиришга қаратилган қуйидаги илмий **таклиф** ва амалий **тавсиялар** ишлаб чиқилди:

1. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг барқарор суръатларини таъминлашда мутаносибликнинг қуйидаги амалий жиҳатларидан фойдаланишга эътибор кучайтириш лозим: иқтисодий ўсиш ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг бир маромда, барқарор равишда кечиши учун асос яратиш; ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёни узлуксизлигини таъминлаш; иқтисодий ресурсларнинг давлат, миллий иқтисодиёт тармоқ ва соҳалари, ҳудудлари ва бошқа таркибий қисмлари бўйича оқилона ва самарали тақсимланишига имконият яратиш; мамлакатдаги мавжуд ишчи кучини иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари ўртасида оқилона тақсимлаш ва ҳ.к.

2. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари ривожланишида ўзаро диалектик боғлиқлик мавжуд бўлиб, ишлаб чиқаришни ривожлантирмай туриб хизмат соҳасини кенгайтириб бўлмайди. Ўз навбатида, хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши ишлаб чиқариш ривожига янги имкониятлар очиб беради. Шунга кўра, ҳозирда тарихан узоқ йиллар давомида ривожланиб келган ишлаб чиқариш соҳаси ҳамда жадаллик билан ўсиб бораётган хизмат соҳаси ўртасида ўзаро оқилона мутаносибликнинг шаклланиш жараёни давом этмоқда. Ўзбекистон ривожланган мамлакатлар даражасига етиши учун ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари ўртасидаги нисбатни ҳозирги 1:0,74 даражадан 1:1,5-2,5 даражага қадар ошириш зарур бўлади.

3. Мамлакатда ҳудудлараро мутаносибликни таъминлаш учун қуйидаги чора-тадбирлар тизими тавсия этилади: ҳудудлараро мутаносибликни таъминлашнинг оқилона нисбатларини аниқлаш; ушбу нисбатлар таркиб топишига таъсир кўрсатувчи турли омилларни, уларнинг амал қилиш шарт-шароитларини тадқиқ этиш; минтақавий сиёсатни амалга оширишда ҳудудлараро мутаносибликни таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш; ягона минтақавий сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ҳудудлар даражасидаги чора-тадбирларни уларнинг табиий-иқтисодий салоҳияти ва имкониятлари билан ўзаро боғлаш; мамлакат бўйича ягона муҳандислик-коммуникация ва транспорт тармоғини шакллантиришда барча ҳудудларнинг ички имконият ва иқтисодий салоҳиятидан юқори даражада фойдаланиш имконини берувчи лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; модернизация қилиш ва техник қайта қуrolлантириш жараёнларидан самарали фойдаланиш; мамлакатдаги йирик саноат корхоналарининг ҳудудий жиҳатдан оқилона жойлашувини кучайтириш ва уни ҳудудларнинг комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожланиши билан боғлиқ ҳолда олиб бориш ва ҳ.к.

4. Ўзбекистонда ЯИМ ҳажмининг йилдан-йилга ошиб бораётганлигига қарамай унинг таркибий қисми ялпи талаб таркибий қисмига мувофиқ келиши масалаларига етарлича эътибор қаратилмаяпти. Мамлакатда иқтисодий мувозанатни таъминлаш учун: 1) ялпи ички маҳсулот таркибий қисмлари ўртасидаги ўзаро оқилона нисбатларнинг аниқланганлиги ҳамда амалда уларга мувофиқ келиш даражаси; 2) ялпи талаб ва ялпи таклиф таркибий қисмларининг қиймат ва нафтилиқ жиҳатидан ўзаро мослиги даражаси; 3) ялпи

ички маҳсулот ҳар бир муайян таркибий қисми (масалан, шахсий истеъмол товарлари, инвестиция товарлари ва ҳ.к.)нинг нафлилиги жиҳатидан мавжуд эҳтиёжларга мослиги бўйича таҳлил ишларини олиб бориш зарур.

5. Ўзбекистонда мувозанатлик ва мутаносибликни таъминлаш орқали иқтисодий ўсишни янада юксалтиришнинг куйидаги йўналишларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ: миллий иқтисодиёт тармоқ ва соҳалари ўртасидаги ўзаро оқилона нисбатни таъминлаш, улар ўртасидаги ишлаб чиқариш ва технологик боғлиқликни оптималлаштириш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш; иқтисодий жараёнлар ўртасидаги муайян мутаносиблик ва мувозанатни таъминлаш; мамлакатдаги ишчи кучи ресурслари ва улардан фойдаланиш борасидаги мутаносибликни таъминлаш; инновациялардан фойдаланиш, илмий-техникавий салоҳиятни юксалтириш орқали юқори технологик маҳсулотларни ишлаб чиқариш; мавжуд ресурслар тақсимотини яхшилаш, ишлаб чиқарувчи кучларни самарали жойлаштириш ва ҳоказо.

6. Иқтисодиётда мувозанатли ва мутаносибли ривожланишни таъминлашда куйидаги йўналишларда ресурслардан тежамли фойдаланиш зарур: иқтисодий ресурсларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда улардан самарали фойдаланишга мажбур этувчи механизмни янада такомиллаштириш ва уларга мақсадли ёндашиш; тежамкорликка таъсир этувчи омиллар ва уларнинг иқтисодий мувозанат, мутаносибликка таъсирини аниқлаш; ресурслардан тежамли фойдаланиш меъёрларининг илмийлик даражаси, объективлигини оширишда жаҳоннинг илғор фан-техника ютуқлари ва янгиликларини ишлаб чиқариш амалиётига тадбиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

Монография ва илмий журналларда чоп этилган мақолалар

1. Шадманов Э.Ш. Мамлакатни модернизациялаш жараёнида иқтисодиётни мувозанатли ва мутаносибли ривожлантиришнинг асосий йўналишлари //Монография. – Тошкент, «IQTISOD-MOLIYA». 2010. -228 б.

2. Шадманов Э., Шодмонов Ш., Ғафуров У., Ҳамроев О. Иқтисодиётда тежамкорлик ва мутаносибликни таъминлашнинг назарий-услубий асослари //Монография. – «ADIB NASHRIYOTI» МЧЖ. 2010. -256 б.

3. Шодмонов Э.Ш., Ҳамроев О.Ҳ. Банкротлик механизми ва унинг иқтисодий мувозанатни таъминлашдаги роли // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2002. – № 11-12. – Б.77-79.

4. Шадманов Э.Ш., Ҳамроев О.Ҳ. Пропорциональность экономики и современные формы её проявления // Экономика и финансы. – Москва, 2003. – № 1. – С.70-72.

5. Шодмонов Э.Ш. Иқтисодий мувозанатликнинг намоён бўлиш шакллари // Иқтисодиёт ва таълим. – Тошкент, 2008. – №4. – Б. 10-13.

6. Шодмонов Э.Ш. Иқтисодий мутаносибликни таъминлаш // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2009. – №2. – Б. 85-87.

7. Шодмонов Э.Ш. Иқтисодий мувозанатлик ўзгаришига таъсир этувчи омиллар // Иқтисодиёт ва таълим. – Тошкент, 2009. - №3. – Б 7-10.
8. Шодмонов Э.Ш. Иқтисодий мутаносиблик зарурати // Жамият ва бошқарув. –Тошкент, 2009. – №3. – Б. 93-95.
9. Шадманов Э.Ш. Структурные преобразования и их финансовые источники в Узбекистане // Перспективы инноваций, экономики и бизнеса. Международный научный бюллетень. – Прага, 2009. – Выпуск 1. – С. 41-44.
10. Шодмонов Э.Ш. Қишлоқ хўжалиги ва саноатнинг мутаносиблиги // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Тошкент, 2009. – №10. – Б. 26.
11. Шодмонов Э.Ш. Мувозанатлик ва мутаносибликни таъминлашнинг давлат механизмлари // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Тошкент, 2009. – №11. – Б.33-34.
12. Шадманов Э.Ш. Тенденции роста удельного веса сферы услуг в структуре производства // Экономика и финансы. – Москва, 2009. – №15. – С. 8-13.
13. Шодмонов Э.Ш. Иқтисодий самарадорлик омили // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2010. – №1. – Б. 85-87.
14. Shadmanov E.Sh. Issues of balanced development in Uzbekistan economy // Perspectives of Innovations, Economics and Business. –Praga, 2010. Volume №5(Issue 2). PP.43-44. www.pieb.cz
15. Шодмонов Э.Ш. Иқтисодиётни мувозанатли ва мутаносибли ривожлантириш // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. –Тошкент, 2010. -№5. –Б. 41.
16. Шодмонов Э.Ш., Рахимов Э. Реал сектор корхоналарини қўллаб-қувватлаш // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. –Тошкент, 2010. №10. -№10. –Б. 26.

Илмий тўпламларда чоп этилган мақолалар ва анжуманларда қилинган маъруза тезислари

17. Шодмонов Э.Ш. Миллий иқтисодиётнинг мутаносиб ривожланишига халқаро интеграция жараёнларининг таъсири // Социально-экономические проблемы развития интеграционных процессов в условиях либерализации национальной экономики. Сборник научных трудов. – Москва: МГЭИ, 2008. – С. 310-312.
18. Шодмонов Э.Ш. Иқтисодиётни мутаносибли ривожланишини бошқариш // Международный опыт создания финансово-промышленных групп и проблемы совершенствования корпоративного управления в Узбекистане. Материалы международной научно-практической конференции. – Москва: МГЭИ, 2008. – С. 198-200.
19. Шодмонов Э.Ш. Иқтисодий мувозанатликни бошқаришда давлатни тутган ўрни // Иқтисодиётнинг таркибий қисмлари ўртасидаги мутаносиблик ва мувозанатни таъминлашнинг назарий асослари. Республика илмий-амалий анжумани маърузалар тезислари тўплами. – Тошкент: ТДИУ, 2008. – Б. 83-84.
20. Шодмонов Э.Ш. Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ҳудудлараро мутаносибликларни таъминлашнинг роли // Ўзбекистон иқтисодиёти: эришилган ютуқлар, муаммолар ва ривожланиш истикболлари.

Республика илмий-амалий анжумани маърузалар тўплами. – Тошкент: ТДИУ, 2008. – Б. 100-102.

21. Шодмонов Э.Ш. Соотношение секторов – основа устойчивого и постоянного развития национальной экономики // Социально-экологические проблемы развития интеграционных процессов в условиях глобализации экономики. Сборник научных трудов. – Москва: МГЭИ, 2009. – С. 151-154.

22. Шодмонов Э.Ш., Хафизов Э. Иқтисодий имкониятларнинг мазмуни ва ишчи кучидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш // Жаҳон молиявий-иқтисодий инкрезининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсирини юмшатиш омиллари ва уни бартараф этиш йўллари. Илмий ишлар тўплами. – Тошкент: ЎЗМУ, 2009. – Б. 171-172.

23. Шадманов Э.Ш. Устойчивое развитие экономики – залог повышения уровня жизни населения // Проблемы и пути повышения эффективности взаимодействия регионов в условиях глобализации экономики. Сборник научных трудов. – Москва: МГУ, 2009. – С. 141-144.

24. Шодмонов Э.Ш., Бабабекова Д.Ш. Рақобат ва унинг иқтисодий мувозанатликка таъсири // Рақобат муҳитини таъминлаш ва жадаллашган амортизация шароитида меҳнатга ҳақ тўлашнинг назарий муаммолари. Республика илмий-амалий семинари материаллари. – Тошкент: ТМИ, 2009. – Б. 72-74.

25. Шодмонов Э.Ш., Бабабекова Д.Ш. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётида мувозанатлик // Иқтисодий оқимлар доиравий айланиш жараёнининг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришдаги роли: назарий қарашлар ва замонавий талқинлар. Олий ўқув юртлараро республика илмий-амалий семинари материаллари. – Тошкент: ТМИ, 2009. – Б. 282-283.

26. Шадманов Э.Ш. Регулирование соотношения ресурсов рабочей силы и её занятости в условиях мирового кризиса // Трансформация экономических отношений в условиях преодоления последствий глобального финансово-экономического кризиса. Тезисы и доклады международной научно-практической конференции. -Москва. МГУ, 2010. –С. 237-239.

27. Шадманов Э.Ш., Юлдашева К. Влияние мирового финансового кризиса на экономику Узбекистана и полученные результаты после предпринятых мер // Реализация антикризисной программы – основа дальнейшего развития национальной экономики и повышения её конкурентоспособности. Сборник научных трудов. -Москва. МГЭИ, 2010. –С. 141-142.

28. Шодмонов Э.Ш. Иқтисодий мувозанатликни таъминлашда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг асосий вазифалари //Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни ва аҳамияти. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент: ЎЗМУ, 2011. –Б. 15-19.

**Иқтисод фанлари доктори илмий даражасига талабгор Шадманов Эркин
Шеркуловичнинг 08.00.01 – «Иқтисодий назария» ихтисослиги бўйича «Мамлакатни
модернизациялаш жараёнида иқтисодиётни мувозанатли ва мутаносибли
ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» мавзусидаги диссертациясининг**

РЕЗЮМЕСИ

Таянч сўзлар: иқтисодий мувозанат ва мутаносиблик, нафлилик, ялпи ички маҳсулот, миллий даромад, иқтисодий нисбатлар, бозор мувозанати, умумиқтисодий мувозанат, ялпи талаб ва ялпи таклиф, иқтисодий инқироз, иқтисодий самарадорлик, иқтисодий ўсиш, тежамкорлик.

Тадқиқот объектлари: Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти таркиби, иқтисодий нисбатлар ҳамда барқарор иқтисодий мувозанатликни, мутаносибликни ва иқтисодий ўсишни таъминлаш жараёнлари.

Ишнинг мақсади: мамлакатни модернизациялаш шароитида иқтисодиётни мувозанатли ва мутаносибли ривожлантириш механизмини такомиллаштиришга оид илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот методлари: диалектик, илмий абстракция, таҳлил ва синтез, мантикийлик ва тарихийлик, макроиқтисодий ва микроиқтисодий таҳлил, математик, статистик, қиёсий таҳлил, гуруҳлаш, кузатув.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: иқтисодий мувозанатлик ва мутаносиблик тўғрисидаги турли назарий қарашларни тадрижий изчилликда таҳлил қилиш орқали уларнинг умумиқтисодий категория сифатидаги мазмуни очиб берилган; уларни тадқиқ қилишда қиймат ва нафлилик жиҳатидан ёндашиш лозимлиги асосланган; иқтисодий мувозанатлик ва мутаносиблик тушунчаларига такомиллашган муаллифлик таърифи шакллантирилган; ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари ривожланишидаги ўзаро диалектик боғлиқлик ҳолати баҳоланган ва улар ўртасидаги оқилона мутаносибликнинг шаклланиш тенденциялари аниқланган; иқтисодий мувозанатлик ва мутаносибликни таъминлаш бозор механизми дастакларини янада такомиллаштириш юзасидан илмий таклифлар ишлаб чиқилган; давлатнинг иқтисодиётни тартибга солиши ҳамда корпоратив тадбирлар мажмуининг ягона механизм сифатидаги таркиби тавсия этилган; иқтисодий ресурслардан тежамли фойдаланишни таъминлашнинг мувозанатли ва мутаносибли ривожланишни давлат томонидан тартибга солиш механизмини йўлга қўйишнинг изчил кетма-кетлигини ифодаловчи махсус алгоритм тавсия этилган.

Амалий аҳамияти: диссертациянинг илмий натижалари иқтисодиётимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг стратегик йўналишларини аниқлашда ва иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланиш билан боғлиқ мақсадли давлат дастурларни ишлаб чиқишда қўлланилиши мумкин.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: диссертация ишининг илмий таклиф ва амалий тавсиялари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан фойдаланиш учун қабул қилинган. Тадқиқот материалларидан олий ўқув юртларида «Иқтисодиёт назарияси», «Макроиқтисодиёт», «Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш» фанлари ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Қўлланиш соҳаси: Иқтисодиёт вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, олий ўқув юртлари.

РЕЗЮМЕ

диссертации Шадманова Эркина Шеркуловича на тему: «Основные направления равновесного и пропорционального развития экономики в процессе модернизации страны» на соискание ученой степени доктора экономических наук по специальности 08.00.01 – «Экономическая теория»

Ключевые слова: экономическое равновесие и пропорциональность, полезность, валовый внутренний продукт, национальный доход, экономические соотношения, рыночное равновесие, общеэкономическое равновесие, совокупный спрос и совокупное предложение, экономический кризис, экономическая эффективность, экономический рост, бережливость.

Объекты исследования: структура экономики Республики Узбекистан, экономические соотношения и процессы обеспечения стабильного экономического равновесия, пропорциональности и экономического роста.

Цель работы: разработка научных предложений и практических рекомендаций по совершенствованию механизма равновесного и пропорционального развития экономики в условиях модернизации страны.

Методы исследования: диалектический, научная абстракция, анализ и синтез, логический и исторический, макроэкономический и микроэкономический анализы, математический, статистический, сравнительный анализы, группировка, наблюдение.

Полученные результаты и их новизна: раскрыто содержание экономического равновесия и пропорций как общеэкономической категории на основе эволюционно непрерывного анализа различных теорий; при их изучении обоснована необходимость подхода с точки зрения стоимости и полезности; сформировано авторское определение понятий экономическое равновесие и пропорциональность; оценена диалектическая взаимосвязанность сфер производства и услуг при их развитии, а также тенденция установления оптимальных пропорций между ними; разработаны научные предложения по дальнейшему совершенствованию инструментов рыночного механизма обеспечения экономического равновесия и пропорциональности; предложена объединенная структура государственного регулирования экономики и комплекса корпоративных мер в качестве единого механизма; рекомендован специальный алгоритм, выражающий непрерывную последовательность, по организации механизма регулирования государством равновесного и пропорционального развития обеспечения эффективного использования экономических ресурсов.

Практическая значимость: научные результаты диссертации могут применяться при определении стратегических направлений социально-экономического развития страны и разработке целевых государственных программ, связанных с эффективным использованием экономических ресурсов.

Степень внедрения и экономическая эффективность: Научные предложения и практические рекомендации диссертации приняты для применения Министерством экономики Республики Узбекистан, Министерством сельского и водного хозяйства Республики Узбекистан, Министерством труда и социальной защиты населения Республики Узбекистан. Материалы исследования могут быть применены при совершенствовании и обучении учебных программ «Экономическая теория», «Макроэкономика», «Государственное регулирование экономики» в высших учебных заведениях.

Область применения: Министерство экономики, Министерство сельского и водного хозяйства, Министерство труда и социальной защиты населения, высшие учебные заведения.

RESUME

Thesis of Shadmanov Erkin Sherqulovich on scientific degree competition of the doctor of economic sciences on specialty 08.00.01 – «Theory of Economics» subject: «The main priority directions of proportional and balanced development of economy in conditions of modernization of the country»

Key words: economic equilibrium and proportionality, utility, gross domestic product, national income, economic ratios, market equilibrium, general equilibrium, aggregate demand and aggregate supply, economic crisis, economic efficiency, economic development, thrift.

Subject of research: the structure of economy of the Republic of Uzbekistan, economic ratios as well as processes that provide stable economic equilibrium, proportions and economic development.

Purpose of work: to develop scientific suggestions and practical recommendations on improvement of proportional and balanced development mechanisms of the economy in conditions of modernization of the country.

Methods of research: the dialectic, scientific abstraction, analysis and synthesis, logical and historic as well as macroeconomic and microeconomic analysis, mathematic, statistical, comparative analysis, grouping, investigation methods.

The results obtained and their novelty: by thorough evolutionary analysis of different theoretic views the meaning of economic equilibrium and proportionality as an economic category is revealed; an authors definition of concepts economic equilibrium and proportionality is formed; mutual dialectic relationship between production and services in their development as well as the tendencies which form optimum proportionality between them is assessed; scientific recommendations on further development of instruments of market mechanism that provide economic equilibrium and proportionality is elaborated. Joint structure of government regulation of the market and the economic instruments of corporative measures as a single mechanism is recommended; a special algorithm which reflects thorough sequence, on formation of regulation mechanism by government of balanced and proportional development of provision of thrifty use of economic resources is recommended.

Practical value: the scientific results of the dissertation can be used in forming strategic directions of socio-economic development of the country and in developing special government programs related with efficient use of economic resources.

Degree of embed and economic effectivity: scientific suggestions and practical recommendations of the dissertation are accepted for use by the Ministry of Economy of the Republic of Uzbekistan, Ministry of Agriculture and Water Resources of the Republic of Uzbekistan, Ministry of Labor and Social Protection of the Republic of Uzbekistan. The materials of the dissertation can be used in teaching and developing study programs “The theory of Economics”, “Macroeconomy”, “The government regulation of the economy” at higher education institutions.

Faeld of application: The Ministry of Economy, The Ministry of Agriculture and Water Resources, Ministry of Labor and Social Protection, higher education institutions.

Тадқиқотчи _____

**Босишга рухсат этилди 18.05.2011. Қоғоз бичими 60x84 1/16
Ҳисоб-нашр табоғи 3,0. Адади 140.
Буюртма рақами № 12**

**«HUMOYUNBEK-ISTIQLOL MO'JIZASI» босмахонаси
100003, Тошкент. Олмазор, 171-уй.**